Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 28 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 83-84 (7080)

Da'vat

Ҳар ойи мен беш юз дирҳам даромад қилиб, бу маблағнинг деярли ҳаммасини илм йўлига сарф қилардим, худо хайр тариқасида берганда — ўзимга қолдирардим.

Имом ал-Бухорий

Ibrat

Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган, ўн бешинчи асрдан бошлаб эса, бу асар Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта нашр қилинган.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йил 30-31 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

Тошкентдаги Киночилар уйида Венгрия маданий-савдо ваколатхонаси ҳамда ушбу мамлакатнинг халқаро кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланувчи «Махир» фирмаси томонидан «Венгрия» — сизнинг ҳамкорингиз» мавзуида кўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 27 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларини 106,96 сўм қийматида белгилади.

АҚШ Тайванга 103 та «Ф-16» русумли қирувчи самолёт етказиб берди, яна 47 та жанговар самолётни келаси йил октябрь ойигача етказиб бериш мажбуриятини олди.

Европа Иттифоқига кирувчи уч мамлакат — Австрия, Буюк Британия ва Германия ҳамда Жазоир ташқи ишлар вазири Аҳмад Аттаф Венада бўлиб ўтган учрашувда Жазоир террористларига қарши кураш қучларини мувофиқлаштириш бўйича келишиб олишди.

Албания парламенти мамлакатнинг янги Конституциясини тасдиқлади, энди бу масала бўйича референдум ўтказиш пазарда тутилянти.

Тежамкорлик келтирган бойлик 2-бет

Иқтисодий таълим муаммолари 3-бет



Президент Ислом Каримовнинг Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Қадрли юртдошлар!
Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида Ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, ғоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрлаган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бу маскан ҳам кўҳна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим.

Бунинг учун, энг аввало, мана шу қадимий ва бетакрор юртга Оллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёркин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастурламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг "Астрономия асослари" номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли доирилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгалиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожидаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган "Селенография" китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Қубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улуғвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, кўҳна Қубо шуҳратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган меросининг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Қува тупроғига, шу ерда ўтган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва мукаррам қилади.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз илмий кашфиётлари билан шуҳрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамиша туғилган юртини соғиниб яшаган. Она Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу тўйгу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятдир.

Муҳтарам ватандошларим!

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шон-шараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуғ тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Оллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизга мадад тилайман. Улуғ бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

Ўқитувчи ёш дафтарига

РАК КУШАНДАСИ

АҚШда синтез қилинган икки оқсил препарати — ангиостатин ва эндостатин лаборатория шароитида сичқонларда синаб кўрилди ва аъло натижаларга эришилди. Ракдан ҳалок бўлаётган сичқонлар бир нечта инъекциядан сўнг соғая бошлади. Бу препаратлар одамларга ҳам шундай ижобий таъсир кўрсата олармикан? Олимлар энди шул хусусда бош қотиришмоқда.

МУШУГИНГИЗНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?

Германиялик зоолог Х. Хемер узоқ кузатишлардан сўнг, уй мушукларининг феъли маълум даражада уларнинг рангига боғлиқ, деган хулосага келди. Маълум бўлишича, мушукларнинг қора ранглиси ғоят қизиқувчан, оқ-қораси ўйинқароқ, чипорлари одамови, оқ ранглилари эса, инжиқ табиатли ва хасталикларга мойилроқ бўлар экан.

ПАШШАЛАР ТАЪБИ

Қоҳира университети олимлари пашшалар устида тадқиқот ўтказишиб, қизиқ бир маълумот топишди. Уларнинг айтишларича, пашшалар одатда пахта, шойи ва цейлон матоларидан кийим кийган одамларга ёпишади. Бундай кийимлар пашшалар таъбига мос тушар ва иштаҳасини қитиқлар экан.

КАШФИЁТЧИ ТАЛАБАЛАР

Мексикалик саккиз нафар талабанинг номи эндиликда яратувчилар сифатида тарих саҳифаларидан жой оладиган бўлди. Улар бундай шарафга бугдой ва шакардан қаҳва тайёрлаш усулини кашф этиб эришдилар. Бу қаҳва таркибида кофеин моддаси йўқлиги сабабли, у қон босимини оширмай, аксинча туширади. Талабалар кашфи халқаро ихтирочилар йиғинида тан олинди.

1998 йилги тест-синов натижалари 4-бет

Ёш ўқитувчиларга маслаҳатлар 5-бет

Qutlug' ostona

Таълим тизимида рўй бераётган туб ислоҳотлар, жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Урта ҳунар-техника билим юртларига нисбатан 80 йилларда «училище ёмон», «ПТУ»да боланинг аҳлоқи бузилиб кетади», «СПТУ» да кўргазмали воситалардан иборат эди. Қишлоқ жойларни эсласак, «СПТУ»ларда ғўпил болаларга ҳам, қиз болаларга ҳам ёпасига тракторчилик касби ўргатиларди. Бундан ташқари, ўқув жараёнининг мазмуни жуда саёз бўлиб, педагог кадрларнинг савияси ундан ҳам паст эди. Дарс бераётган ўқитувчилар, «мастер»ларнинг кўпчилиги номигагина машғулот ўтказиб,ўқувчиларга чуқур билим бера олмас, улар муҳим, яхши ўқимайдиган ўқувчиларни 8-синфдан сунг, «СПТУ, «ГПТУ»ларга юбориб, улардан «қутилишарди». Демак, кўпчилик билим юртлари асосан, зеҳни паст, ахлоқи ёмон болалар йиғиладиган жойга айланиб қолган эди. Билим юртининг контингент режасини бажариш учун баҳолари, одоби яхши ўқувчилар

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ «ПТУ» ЭМАС

нимани ҳам ўргатарди» деган қарашлар мавжуд эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Турғунлик йиллари ҳар қадамда «СПТУ», «ГПТУ» деб аталадиган ҳунар-техника билим юртлари ташкил қилиниб, уларда эҳтиёжни ҳисобга олмаган ҳолда кадрларни бодроқдек кўпайтириш авжига минди. Сифати—ҳаминқадар. Уларнинг моддий-техника базаси қолоқ, носоз техник ва стақил фикрлашга ўргатилмасди. Уша пайтдаги мавжуд таълим тизимида ёшларнинг тарбиясига, шахс сифатида шакллашишига етарли эътибор берилмаганлигини ҳисобга олсак, «ПТУ», «СПТУ»ларда ундан ҳам баттар эди. Бу таълим масканларига ўз хоҳиш-иродаси билан эмас, асосан суст ўзлаштирувчи, давомати ёмон ўқувчилар мажбурлаб келтирилар эди. Умумтаълим мактаблари тарбияси оғир, хулқи ҳам рўйхатга туширилар эди. Буни ўсмир ўзига нисбатан ҳақорат, адолатсизлик деб билар, ўзи ҳам, отаонаси ҳам, мактабдаги ўқитувчилари ҳам норози бўлишарди. Мажбурлаб келтирилган ўсмирларнинг икки-уч йиллик умри шу билим юртларида ўтарди, диплом ҳам олишарди. Энг ачинарлиси шундаки, улар ўша мутахассислиги бўйича ишламасди.

(Давоми 2-бетда)

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТГАН БАЙРАМ

24 октябрь куни юбилей тадбирлари вилоят театр биносида ўтказилган «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуман билан бошланди. Юбилей тадбирларида иштирок этиш учун юртбошимиз И.Каримов Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Юртбошимиз ташриф аввалида Фарғона механика заводи қошидаги «ЎзДЭУавто» автомобиллар учун диск ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Шундан сўнг юбилей қатнашчилари Қувага ташриф буюришди. Давлатимиз раҳбари Шаҳристон майдонидаги ал-Фарғоний ҳайкали пойига гул қўйди. Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда юртбошимиз нутқ сўзлади. Шу куни кечқурун байрамга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ал—Фарғоний оромгоҳига тўпландилар. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган театрлаштирилган томоша бошланди. Республикамизнинг таниқли санъаткорлари, вилоятлардан келган бадиий жамоалар ўз чиқишларида халқимизнинг улуғ бобокалонимизга чексиз эҳтиромини изҳор этдилар.

Юбилей тантаналаринда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Н.Жўраев, А.Мансуров, Т.Рисқиев, бош вазир ўринбосари Ҳ.Караматов, Фарғона вилоят ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

Шунингдек, байрамда халқ таълими ходимлари ҳам яхши иштирок этишди. Айниқса, улар янги майдонлар ҳудудини ободонлаштиришди. Саҳна чиқишларида ҳам ўқувчиларнинг ўрни алоҳида бўлди. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тўйи муносабати билан турли кечалар, танловлар ташкил қилинди. Юбилей куни уларнинг якуни эълон қилинди. «Қувноқлар ва зукколар» танловида 2, 24, 56-мактаблар ғолиб бўлишди.

Туманда спортнинг футбол, волейбол, теннис турлари бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтди. Яқинда эса, педагогика фанлари номзоди Турсунали Қурбонов юртдошимизнинг тўйига туҳфа сифатида рисола битган эди. Ушбу рисола бўйича мактабларда 10 соатлик қўшимча дарслар ташкил қилинди. Ўқувчилар Шаҳристонга ҳамда, ал-Фарғоний боғига тез-тез саёҳатга чиқишмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ

Tajriba-sinov maydonchalarida

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Ниҳол» яслисида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури бўйича дастлабки тажриба-синов ишлари олиб борилаётир.Шу муносабат билан мухбиримиз мазкур кичкинтойлар масканида бўлиб, тажрибали тарбиячи, халқ таълими фидойиси Мадина Билоловадан дастур асосида жисмоний тарбия машғулотлари илк ёшли болалар билан қандай ташкил этилаётгани, унинг таъсири нечоғ ривожланишига кўра икки гуруҳга ажратганман. Гуруҳга кейинроқ қўшилган болалар бўлгани сабабли машғулотда улар билан бирдай муомала, муносабатда бўлолмайман. Йилнинг охирида эса тўлиқ машғулот ўтишим мумкин. Июнь ойидан ёзги соғломлаштириш майдончаларида машғулот ўтказамиз. Гуруҳ хонаси ҳамда очиқ ҳаводаги соғломлаштириш майдончаси жисмоний тарбияга оид ўйин бажарамиз. «Товуқ ва жўжалар», «Сичқон ва сичқончалар» сингари машғулотлар сенсорика, нутқ ўстириш, мусиқа ҳамкорлигида ўтилади. Ана шунда болажонларнинг машғулотларни бажариши, ўзига қабул қилиши осон кечмоқда. Машғулот ҳафтада уч марта ўтказилади. Дилбандлар эрталабки бадантарбияда 4-5 минут, сайр пайтида эса 10-15

«НИҲОЛ»НИНГ СОҒЛОМ НИҲОЛЛАРИ

ли бўлаётгани ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Бир ёшдан икки ёшгача бўлган жажжи ширинтойларни жуда ҳам яхши кўраман. Бу давр мобайнида нозик қалблар кунглига ўз оналари сингари йўл топиб, меҳрибон бўлишлик лозим. Икки-уч яшарлигида эса нисбатан ўзини тутган, бирон нарсани тушунадиган бўлади. Гуруҳимда бир яримдан уч ёшгача бўлган 20 нафар кичкинтой мавжуд. Жисмоний тарбия машғулотида уларнинг ёшига, жиҳозлар билан нисбатан бир хил - гўдак болаларнинг ёшига мос ҳолда жиҳозланган. Масалан, ҳатлаб ўтиш, эмаклаб ўтиш, дарвозадан коптокни думалатиш сингари машқлар бир хил тарзда бажарилади. Бола ўз гавдасини мустақил тутишни ўрганиши учун гуруҳда махсус гимнастика скамейкасидан ўтса, сайрда қумли майдонча четидаги қалин тахтача устидан ёки ходадан ўтишни ўрганаётир.

Биргина жисмоний тарбия машғулотида бешта ҳаракатли минут ўйин ҳаракатларини бажараётирлар.

Жажжиларни илк ёшдан чиниқтириш учун ота-оналар билан бот-бот суҳбатлашиб тураман. Чунки улар билан ҳамкорликда иш олиб борилса, бу ердаги тартиб оилада ҳам қўлланилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Машғулотда мен ҳам, болалар ҳам махсус спорт кийимида бўламиз.

(Давоми 2-бетда)

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ «ПТУ» ЭМАС

(Боши 1-бетда)

Хуллас, билим юртлари режа учун, сонлар кетидан қувиб, «ура-ура»чилик билан, сифатсиз мутахассислар тайёрлайдиган маскан бўлиб қолган эди. Шу сабабли, бу билим юртларига ишонмаслик, паст назар билан қараш, менсимаслик ҳанузгача сақланиб қолган.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган биринчи даврданoқ таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш ва замон талаблари билан уйғунлаштиришдек улкан мақсадларга катта эътибор берилди. Ўрта махсус ўқув юртларининг моддий-техника базаси бирмунча яхшиланди, педагог кадрларнинг савияси оширилди ва моддий рағбатлантириш кучайтирилди. Жойларда бизнес мактаблари, банк коллежлари, касб-ҳунар курслари очилди, шунингдек, фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит каби бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги мутахассисликлар киритилди. Аммо ҳозирги вақтга келиб, мамлакатимизда рўй бераётган туб ислоҳотларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш шароитида ўрта бўғин мутахассисларга бўлган талаб бутунлай бошқача тус олди. Қўйилган талаблар эса бугунги кунда таълим тизимида жуда кўп жиддий камчиликлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Авваламбор, тайёрланаётган кадрларимиз замон талабларини, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини қониқтирмай қолди. Ўқиш жараёнининг моддий-техника ва ахборот базасининг ночорлиги, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмаганлиги, ўқув дастурларининг эскирганлиги, янги педагогик технологияларнинг йўқлиги, малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги ҳамда дарсликлар ва қўлланмаларнинг камлиги шулар жумласидандир.

Энг катта, жиддий камчиликлардан бири ёшларимизнинг бирор соҳада меҳнат қилиш учун етарли маълумоти, қўлида бирор бир касб-ҳунари йўқлиги туфайли ота-оналарига боқиманда бўлиб қолишлари ёки нотўғри йўлларга кириб кетишлари ҳамон учрамоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида ачиниш ва афсус-надоматлар билан айнан шу муаммолар устида тўхталиб ўтгандилар: ***«Хўш, ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик. 9-синфни тугатганларнинг маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса — гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетаяпти.***

— Ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда. Бу маълумот ҳам тўлиқ эмас. 11-синфни битираётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб, 10 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин.

Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай олмаяпти. Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишларига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяпти».

Бу камчиликлар ва муаммоларни ҳал қилмай туриб, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаб бўлмасди.

Шу боис Президентимиз ташаббуси, раҳбарлиги ва бевосита иштирокида босқичма-босқич амалга ошириш тамойили асосида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Ушбу ислоҳот концепциясининг узаги кадрлар тайёрлашнинг узига хос Миллий модели бўлиб, уни ҳақли равишда Президентимиз номи билан боғлаб «Каримов Модели» деб айтиш мумкин. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таркибидаги узлуксиз таълим тизимининг узига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилишидир.

Янгидан ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари олдинги ва ҳозирги кунда ишлаб турган билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилиши керак. Хўш, бу фарқлар нималардан иборат? Биринчидан, ўқувчиларни ўқишга қабул қилишда тубдан фарқ бор. Касб-ҳунар коллежларига ёки академик лицейларга ўқувчилар имтиҳонларсиз, 9 йиллик умумий ўрта мактабни тугатишдаги якуний давлат аттестацияси ва рейтинг кўрсаткичлари натижасига қараб, уларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб қабул қилинадилар. Иккинчидан, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, мазмуни билан тубдан фарқ қилади. Ўқув жараёни жаҳон андозаларига мос келувчи, истиқбол ва келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилади. Касб-ҳунар коллежларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан мутаносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик тамойилига амал қилинади. Учинчидан, педагоглар савиясининг юқорилиги ва педагогик технологияларнинг янгилиги билан фарқ қилади. Замонавий билим бериш учун ўқитувчининг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун педагог кадрларнинг обрў-эътиборини, ижтимоий мақомини, масъулиятини, малакасини оширишга ва замон талабларига мос ҳолда қайта тайёрлашга катта эътибор берилади. Тўртинчидан, касб-ҳунар коллежлари замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услуб қуроллари, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланиши билан фарқ қилади. Ўқув бинолари, устахоналар ташқи ҳамда ички кўринишининг чиройлилиги, кўркамлиги ва замонавийлиги билан кескин ажралиб туради. Бешинчидан, касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган касб-ҳунарлар турининг кўплиги, бугунги кун талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжига жавоб бериши билан ўзига хос. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, касб-ҳунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Олтинчидан, касб-ҳунар коллежларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жўғрофий ва демографик шарт-шароитлари ва мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрланади. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ўқитишнинг икки ёқлама («дуал») тизими асосида амалга оширилади, бунда ўқув-таълим жараёни ва касб-ҳунарга тайёрлаш тегишли равишда коллежда ва корхонада олиб борилади. Ўқувчиларга ўқув муассасасида замонавий жиҳозланган устахоналарида бериладиган ишлаб чиқариш таълими корхоналарда олиб бориладиган амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда касб-ҳунар ўргатилади. Шу билан бир қаторда, умумий билимлар асосларини бериш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим миллий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда олиб борилмоғи лозим. Зеро, миллий дастурдан кўзланган асосий мақсад юқори малакали, билимли, онгли, мустақил фикрловчи, ватанпарвар янги шахсни шакллантиришдир.

Хулоса шуки, касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш олдинги «ПТУ»лардагидек хўжакўрсинга, режа учун эмас, балки аввало, давлатимиз равнақини, қолаверса, шахснинг бахт-саодати, келажаги ва тақдирини кўзлаб амалга оширилади. Фараз қилинг, ёшларимиз 12 йиллик ,яъни, 9 йиллик мажбурий ва 3 йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни умумий билимлар асосларига ҳамда бир неча замонавий касб-ҳунарга эга бўлган ҳолда тамомлайдилар. Мустақил ҳаёт бошида турган йигит-қизларимизнинг олган мутахассисликлари бўйича меҳнат қилишлари ёки олий ўқув юртларига ўқишга кириб таълимни давом эттиришлари учун шароит яратилади. Энг асосийси, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланади.

Мавлуда НИШОНОВА,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази бош мутахассиси

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Президент Борис Ельцин эртанги кунга мўлжалланган Венага ташрифини бекор қилди. Мазкур ташрифнинг тўсатдан бекор қилиниши Борис Ельциннинг соғлиғи ҳақидаги хавотирларни янада кучайтирди.

* * *

Чили мамлакатининг собиқ ҳарбий раҳбари генерал Пиночетнинг ҳимоячилари Лондондаги олий маҳкамада унинг ҳибсдан озод этилиши кераклигини исботлашга уринишмоқда. Лондон шифохоналаридан бирида даволаначётган генерал Пиночет Испания талабига биноан ҳибсга олинган.

* * *

Жанубий Африкада Ҳақиқат ва ярашув комиссияси томонидан пайшанба куни ошкора этажак якуний ҳисоботда мамлакатнинг ҳукумат партияси — Африка миллий конгресси кучли танқидга учраши ҳақида хабарлар олинмоқда. Мазкур комиссия икки йил давомида ирқчилик даврида юз берган сиёсий жиноятлар устидан тергов олиб борган.

* * *

Чеченистондан олинган хабарларга кўра, муфтий Аҳмад Ҳожи Қодировни ўлдиришга ҳаракат қилинган. Муфтий машинада Грозний шаҳридаги уйига қараб кетаётган пайт бомба портлаган.

ЛОНДОН,
«ВВС» ўзбек хизмати

Bir soatlik dars

Ҳар бир даврнинг мактабга ўз талаби бўлади. Бугунги талаб бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган, ишлай биладиган ёшларни тарбиялашдир. Ушбу талабдардан келиб чиққан ҳолда ўғил-қизларга иқтисодий таълим-тарбия бериш ишлари билан шуғулланиб келмоқдаман. Иқтисодий таълимнинг ўта муҳимлиги ва ҳаётийлиги боис, мазкур фан тушунчалари ўқувчилар онгига сингдирилиб борилаётир. Яқинда «Иқтисодий билим асослари» фанидан 4-синфда «Бозор иқтисоди шароитида ўқувчиларда тежамкорлик хислатларини таркиб топтириш» мавзуида ўтказган бир соатлик машғулотим ҳам эсда қоларли бўлди. Унинг тафсилотларини ҳамкасбларимга қисқача баён қилиб берсам, дарс мақсади янада ойдинлашади.

Дарснинг таълимий-тарбиявий мақсадлари:

1. Ўқувчиларни бозор иқтисодиёти шароитида эҳтиёж талаблари асосида тарбиялаш, ўзаро муомалага ўргатиш.

2. Ўғил-қизларда ишбилармонлик, тежамкорлик хислатларини таркиб топтириш.

3. Мустақил Ўзбекистонга муносиб фарзандлар бўлиб етишишларига эришиш, мустақил юртнинг ер ости ва ер усти бойликларини, тарихий ва замонавий обидаларини асраб-авайлашга, улардан оқилона фойдаланишга ўргата бориш.

Дарс жиҳозлари: иқтисодга оид нашрлар кўргазмаси, мамлакатимиз харитаси, ер ости ва ер усти бойликлардан намуналар, тарихий мен машғулот жараёнини ҳадис, ҳикоят ва мақоллар орқали янада жонлантиришга, дарс таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилиб, мисоллар келтираман.

— Қадимда бир бой киши бўлган экан. У кишининг ўзига яраша хизматкорлари ҳам бор экан. Бир куни бой яшайдиган маҳаллага аҳоли эҳтиёжи учун кўп миқдорда маблағ керак бўлиб қолибди. Маҳалла оқсоқоллари кенгашиб, ушбу маблағни маҳалла аҳлидан йиғишга қарор қилишибди. Улар ҳовлиларни айланиб юриб, бойнинг дарвозаси олдида тўхташибди. Шунда ичкаридан бойнинг овози эшитилибди. У хизматкорини бир дона гугурт чўпини ерга ташлагани учун уришаётган экан. Оқсоқоллар ҳайрон бўлиб, бир дона гугурт чўпи учун хизматкорини шунча уришаётган бой маҳалла эҳтиёжига ҳеч нарса бермайди, деб ўйлашибди.

Бироқ бой оқсоқолларни ичкарига таклиф қилиб, мулозамат кўрсатибди ва 500 сўм пул чиқариб берибди. Бу пул бошқаларникидан анча кўп экан. Маҳалла кексалари ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлишиб, бойдан сўрабдилар:

— Боя хизматкорингизни бир дона гурурт чўпини ерга ташлагани учун урушаётган эдингиз. Энди бўлса бизга ҳаммадан кўп миқдорда пул бердингиз. Бунинг боиси нимада?

Бой шундай дебди:

— Агар мен ҳар бир нарсани ўз ўрнида тежаб-тергаб ишлатмаганимда эди, бу қадар бойимасдим ва сизларга ҳам шу миқдорда пул бера олмасдим...

Мавзу ўз-ўзидан оиладаги тежамкорликка боғланиб кетади. Масалан, Нилуфарлар оиласида ҳам иссиқхона бор. У ерда гул, помидор ва бодринг етиштирилади. Қиш фаслида бодринг, помидор ва гулларнинг нархи анча баланд бўлади. Улар бу маҳсулотларни килограмм ҳисобида ҳар бир килограммини 100 сўмдан, гулнинг бир донасини 40 сўмдан сотадилар. Энди Нилуфарларнинг оилавий даромадини кўриб чиқамиз. Дейлик, улар жами 2000 кг ёки 2 тонна сабзавот, 1000 дона гул сотишди.

2000 кг x 100 = 200000
1000 x 40 = 40000
200000 + 40000 = 240000
Энди 240000 ни 12 га бўламиз:
240000 : 12 = 20000

Демак, бир ойда 20000 сўм. Шундан 10000 ни олиб қўйиб, оила эҳтиёжи учун ҳар ойда 10000 сўм сарфланди, дейлик. Бу 12 ойда 10000 x 12 = 120000 сўм бўлади.

Ҳамма даромад 240000 бўладиган бўлса, шундан бир йилда 120000 рўзғор эҳтиёжлари учун сарф бўлди. Оила эҳтиёжи учун чеклаб ишлатилган харажатлардан ташқари 120000 сўм пул қолди. Бу пулга оила машина, уй-рўзғор буюмлари (гилам, телевизор кабилар) олиши ёки яхши дам олиши учун саёҳатларга чиқиши мумкин...

Таҳлилий таққослашлар ва хулосалардан кейин «Мустақил юртга муносиб фарзанд бўлинг. Сизларга жаҳон кўз тутмоқда. Шунинг учун дарсдаги билимлар билан чегараланиб қолманг, мустақил мутолаага берилинг!» даъвати билан дарсни якунлайман.

Ўғил-қизларга келгуси дарс — «Меҳнат, илм, одоб тушунчалари ва бозор иқтисодиёти» мавзусига оид уй вазифалари бераман.

Мусаллам ШАРИПОВА,
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Хусрав Деҳлавий номидаги 4-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

ТЕЖАМКОРЛИК КЕЛТИРГАН БОЙЛИК

обидалар ҳақида лавҳалар, кўрсаткичлар, иссиқхона ва у ерда ишловчилар акс этган расмлар, бозор кўриниши тасвирланган «бозорча» ва бошқа намуналар.

Дарсни ўзига хос суҳбат-маъруза усулида бошлайман. Ўқувчилар савол-жавобга шай бўлиб турадилар. Дарс аввалида болаларга ўтилган мавзулар ғояси ҳамда баъзи иқтисодий терминларнинг луғавий маъноси, келиб чиқиши ҳақида тушунча берилади. Машғулотни саёҳат усулида давом эттираман.

— Қадим-қадимда жуда ажойиб ўлка бўлган экан. Бу гўзал юртнинг ажойиблиги шунда эканки, у ерда йилнинг тўрт фасли ҳам ўз тароватини намойиш этар экан. Аммо йилнинг тўрт фаслида ҳам бозорлари жуда сероб, қишнинг, баҳорнинг, ёзнинг, кузнинг нафаси уфуриб турар экан. Бозорларнинг бундай сероб бўлиши меҳнатсевар халқ меҳнати маҳсули экан. Бу ўлка яна шуниси билан ажойиб эканки, у ерда жуда кўп ер ости ва ер усти хазиналари мавжуд экан. Шунинг учун ҳам бу ўлканинг таърифини эшитган ён-атрофдаги юртларнинг одамлари шу гўзал юртга бориб савдо-сотиқ ишлари, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишни жуда-жуда истар эканлар. Аммо йўлларида жуда кўп муаммолари бор экан.

Кунлардан бир куни шундай давр келибдики, ажойиб, гўзал, бой бу мамлакатга ўша юртлардан кишилар келиши, савдо-сотиқ, ишбилармонлик, тадбиркорлик ишларини амалга ошириши, дўстлик ва биродарлик ипларини боғлаши, ҳамма соҳада бир-бирлари билан фикр алмашишлари учун имконият туғилибди.

— Қани, болалар айтинглар-чи, мен қандай гўзал юрт ҳақида ҳикоя қилдим?

Ўқувчилар бараварига жавоб беришади: бу гўзал, бой, меҳнатсевар халқи бор деб таърифланган ўлка бизнинг гўзал, меҳмондўст, она диёримиз мустақил юрт Ўзбекистондир...

Саёҳатдан сўнг улар истиқлол, бахт, Ватан, тарих, Конституция, ислоҳот, бозор, деҳқон, сарф-харажат, харидор тушунчалари ва мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳақида савол-жавоб асосида фикр юритадилар. Шунда мавзу ўз-ўзидан оиладаги тежамкорликка боғланиб кетади. Масалан, Нилуфарлар оиласида ҳам иссиқхона бор. У ерда гул, помидор ва бодринг етиштирилади. Қиш фаслида бодринг, помидор ва гулларнинг нархи анча баланд бўлади. Улар бу маҳсулотларни килограмм ҳисобида ҳар бир килограммини 100 сўмдан, гулнинг бир донасини 40 сўмдан сотадилар. Энди Нилуфарларнинг оилавий даромадини кўриб чиқамиз. Дейлик, улар жами 2000 кг ёки 2 тонна сабзавот, 1000 дона гул сотишди.

2000 кг x 100 = 200000
1000 x 40 = 40000
200000 + 40000 = 240000
Энди 240000 ни 12 га бўламиз:
240000 : 12 = 20000

Демак, бир ойда 20000 сўм. Шундан 10000 ни олиб қўйиб, оила эҳтиёжи учун ҳар ойда 10000 сўм сарфланди, дейлик. Бу 12 ойда 10000 x 12 = 120000 сўм бўлади.

Ҳамма даромад 240000 бўладиган бўлса, шундан бир йилда 120000 рўзғор эҳтиёжлари учун сарф бўлди. Оила эҳтиёжи учун чеклаб ишлатилган харажатлардан ташқари 120000 сўм пул қолди. Бу пулга оила машина, уй-рўзғор буюмлари (гилам, телевизор кабилар) олиши ёки яхши дам олиши учун саёҳатларга чиқиши мумкин...

Таҳлилий таққослашлар ва хулосалардан кейин «Мустақил юртга муносиб фарзанд бўлинг. Сизларга жаҳон кўз тутмоқда. Шунинг учун дарсдаги билимлар билан чегараланиб қолманг, мустақил мутолаага берилинг!» даъвати билан дарсни якунлайман.

Ўғил-қизларга келгуси дарс — «Меҳнат, илм, одоб тушунчалари ва бозор иқтисодиёти» мавзусига оид уй вазифалари бераман.

Мусаллам ШАРИПОВА,
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Хусрав Деҳлавий номидаги 4-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

УСЛУБ САМАРАСИ

Узбекистоннинг хорижий давлатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамлангани сайин чет тилларига бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу боис, бугунги ёш авлоднинг чет тилларида мустақил фикрлай олиши ва ўз фикрини баён эта олиш қобилиятини шакллантириш айни пайтда таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд этилганидек, узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, турли луғатлар ҳамда давлат тилидаги махсус адабиётларни ишлаб чиқиш лозим. Шу мақсадда чет тилларини ўқитишнинг янги услубларини излаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия жараёнида ва синфдан ташқари машғулотларда ўқув кўрсатмали қуроллар ва тарқатма материаллардан, компьютер ҳамда техника воситаларидан ўз ўрнида фойдаланиш самарали натижалар беради. Айни вақтда ўқув жараёнларида компьютер технологиясидан кенг фойдаланиш мактаб ишининг долзарб муаммоси бўлиб қолди. Лекин шу билан бирга ҳозирги замон дарслари ўқитувчилардан прогрессив усуллардан самарали фойдаланишни тақозо этаётир. Айниқса, чет тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига эътибор бериш ҳар бир ўқитувчи олдида турган муҳим вазифадир. Масалан, юқори синф ўқувчиларининг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун "Тасаввур қилгин сен ҳозир бозордасан, кўчадасан, жамоат жойидасан ва ҳоказо" деб топшириқ берилади ҳамда улардан ана шу мавзуларда гапириб бериш талаб қилинади.

Замонавий дарсларнинг яна бир шакли бу анъанавий бўлмаган дарс шаклларидан фойдаланишдир. Ушбу тушунча ҳамкорлик педагогикасининг мажбур қилмасдан ўқитиш ғоясидан келиб чиқади. Бунда биринчи навбатда боланинг ўйинга бўлган табиий мойиллигидан фойдалана олиш талаб этилади. Ўқувчиларга вазифалар бериш, уларда ўқиш, билим олишга қизиқишни уйғотиш, шунингдек, ўқувчилар ўзаро бир-бирининг билимини баҳолашга ўргатилса яхши натижа беради. Масалан, ўрта этапдаги синф ўқувчилари билан «кўча», «оила», «қишлоқ», «мактаб», шаҳар мавзуларида ўзаро суҳбат қурилиб, уларнинг билими ўз вақтида баҳолаб борилса, ўқувчидаги ақлий меҳнат қобилияти ўсади.

Маъруза, семинар, конференция, экскурсия, пресс-конференция, КВН, мазмунли ўйинлар каби ноанъанавий машғулотлар ҳам ҳозирги замон дарсларининг самарали услубларидан ҳисобланади. Бундай услубдаги дарслар юқори синф ўқувчиларида ишчанликни тарбиялабгина қолмасдан, уларнинг руҳиятида байрам кайфиятини ҳам вужудга келтиради.

"Нима, қачон, қаерда?" билимдонлар клубини ташкил қилиш, "Чет тили байрами", "Давра суҳбати" дарсларини ўтказиш ҳам ноанъанавий дарс шаклари сифатидаги маъқул воситадир. Ўқитувчи таълим жараёнини ана шу тарзда жадаллаштириш орқали таълим-тарбияга оптимал тарзда ёндашиш, дарс жараёнини ижодий тарзда ташкил этиш ва ўқитишдаги юзакиликни енгиб ўтади.

Педагогика шуни кўрсатадики, дидактик принципларни ҳал этмай туриб таълим жараёнини жадаллаштириш мумкин эмас.

Бу ишларда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

а) ўйин методига эътибор бериш.

б) ўқув материаллари сифатида турли бошқотирмалар, криптограммалар, қалейдоскоплар, "тил ўйинлари", нутқий ҳаракат ўйинлари, топишмоқлар ва газета мақолаларидан фойдаланиш;

в) ўқувчиларга жаҳон андозалари ҳисобланган "ТОЙФЛ", "ГРЕ", "ГМАТ" тестлари.

Албатта, бу тадбирлар муайян куч ва ҳаракат талаб қилади. Лекин чет тилини ўрганиш ва ўқитиш учун сарфланган куч, ҳаракат асло зое кетмайди. Чунки, тил билиш нафақат дилларни пайваста этади, балки кишилар ва халқлар ўртасидаги дўстликни ҳам мустаҳкамловчи воситадир.

М.Жабборов,
Самарқанд Давлат Чет тиллар институти малака ошириш факультети декани, педагогика фанлари номзоди, доцент

Sinab ko'ring

ЧУҚУР ЭҲТИРОМ

Самарқанд Давлат чет тиллар институти қошидаги узбек-турк лицейида Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижодиётига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни институт ректори, профессор Ю.Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг институт «Маънавият ва тарих» кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори И.Сувонқулов, филология фанлари доктори, профессор Н.Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳадисларнинг шеърий талқини ҳамда Имом ал-Бухорий меросида оила маънавияти хусусида маъруза қилдилар.

***

Ана шундай анжуман шаҳардаги 1 ва 2-педагогика билим юртларида ҳам бўлиб ўтди. Унда билим юртлари директорлари — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари номзоди Дўпал Носирова ва Санобар Азимовалар Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ҳақида ўз талабалари олдида чиқиш қилишиб, уларга юбилейнинг аҳамияти ҳақида гапириб беришди.

Э.МАҲМУДОВ,
ўз мухбиримиз



Тошкентдаги «Болалар дунёси» дўкони ўрнида очилган «Фан сити» (Болалар шаҳарчаси) мажмуига ташриф буюрсангиз, беихтиёр ўзингизни «Эртаклар олами»га тушиб қолгандай ҳис этасиз. Болажонларнинг шўх, ўйинкулгилари эса сизни бир зум болаликка бошлайди.

Суратда: «Фан сити» мажмуаси ҳаётидан лавҳалар. Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

«НИҲОЛ»НИНГ СОҒЛОМ НИҲОЛЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Ўғил болалар шўртик-калтотка, қизлар кўйлак-калтоткада, оёқяланг бўлишади. Қишин-ёзин гуруҳдан ётоқхонага оёқяланг, майка-трусикда ўтишади. Ёзда эса оёқяланг гуруҳга кириб келади. Ота-оналар ҳам, болалар ҳам шунга одатланишган. Чиниқиш ана шундан бошланади. Гуруҳда болаларнинг ёшига мослаб, ўйин атрибутлари - хўроз, айиқ, ўрдаклар тумшуғига қўнғироқ осиб қўйилган. Ширинтойлар ўша қўнғироққа етиш учун унга осиладилар. Кимнинг қўли тегса, қўнғироқ жаранглайди. Бу каби ўйинлар бола буйининг ўсиши, мускулларининг чиниқишида катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир бола билан индивидуал шуғулланаман. Фанердан, картондан этикчага ўхшаш шакл ясаганмиз. 1-синфда ўқиётган ўқувчиларнинг айримлари пойафзалининг ипини боғлай олмайди. Илк ёшдагиларимиз эса этикчанинг ипини ўзлари боғлайдилар. Катта-кичик кнопка ва тугмачаларни бир-бирига қадашни ўрганмоқдалар. Ана шу жараёнда дилбандларнинг нозик бармоқлари, мускул моторикалари ҳаракатга келиши натижасида уларнинг онгги, тафаккури, нутқи ўсиб, ривожланиб боради.

Гуруҳда «Мойчечак столи» , зинапоядан чиқиб, сирпанчиқ учиш, 5-6 бола ўтирадиган автомобиль, ичига пахта тиқилган ғўла мавжуд. Болалар устидан ўтганда ёки ўтириб сакраганда мабодо йиқилса, юмшоқ тушади. Бир-икки ёшдаги кичкинтойларнинг ҳис қилиш қобилиятларини ривожлантириш учун жисмоний тарбия машғулотида катта ўрдакча, мушукча каби юмшоқ ўйинчоқлар ҳам ясаганмиз.

«Ширма ўйи» катта гуруҳ болаларига мўлжалланган бўлса-да, биз уни илк ёшлиларга мосладик. Бу дастурда йўқ. «Мойчечак столи»да 1-3 яшар болаларнинг бармоқчалари, мускуллари яхши ривожланиши учун ранг, шаклларни жамлаганмиз. Бу ҳам янгилик. Болаларни табиат қўйнига сайрга мунтазам олиб чиқамиз. Албатта, ёмғир ёғмаган пайтларда. Ёз мавсумида улар доимо душда чўмиладилар, қиш кунларида эса чиниқиш учун оёқларини ювиб ётадилар. Ҳар бир боланинг юз, бадан, оёқ артишлари учун алоҳида сочиғи мавжуд.

Ширинтойлар масканида амалга оширилаётган болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури бўйича тажриба-синов ишлари шу йил сентябрь ойининг ярмидан бошланди. Иккинчи чорак - декабрда эса ноанъанавий машғулотлар ўтамиз. Дастур бўйича олиб борилаётган ишларимиз яхши йўлга қўйилаяпти. Натижаси ҳақида ҳозирча бир нарса деёлмаймиз. Чорак охирида меҳнатимиз ўз самарасини кўрсатса, ажаб эмас.

Сухбатдош
Дилбар ХЎЖАЕВА

АЛЛОМАНИ ХОТИРЛАБ

Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент Давлат юридик институтида катта маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ўқитувчилар билан талабалар ўртасида ҳадисхонлик ташкил этилди.

Филология фанлари доктори Малик Муродов иштирокида бўлиб ўтган мулоқот сабоқларида Ҳадиси шарифлардаги маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатлар кенг шарҳланди. Талабалар ҳадис илмидан, унинг моҳиятидан хабардор эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, мулоқот дарсларида файласуф олимлар К.Назаров, С.Усмонов, С.Ҳасанов, Р.Шарипов, З.Ғофуров ва Журжонийлар иштирок этишди.

Талабалар орасида «Ҳадис — маънавий-маърифий омил» мавзусида ёзма иш танлови ўтказилди. Талабалар Шариф Умаров, Паризод Эгамова, Феруз Рашидовлар танловнинг 1, 2, 3-ўринларига сазовор бўлишди. Ғолибларга Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Юнусобод тумани бўлими ва ТДЮИ қошидаги жамоатчилик марказининг Мақтов ёрлиғи ва қимматбаҳо совринлари топширилди.

Қувонч ҚОДИРОВ,
институт ўқитувчиси

Litseylar hayotidan

НАТИЖА ИБТИДОСИ МАҚСАДДА

Сурхондарё вилоятида ҳам таълим ислоҳотларини сифатли ва изчил амалга ошириш мақсадида қўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айнан бу борада қилинаётган ишлар жумласига Термиз Давлат Университети қошидаги академик лицей фаолиятини ҳам қўшиш мумкин.

Академик лицей, асосан, ўқувчиларга Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Лицей жамоасида йигирмага яқин профессор-ўқитувчилар янги дастурлар асосида иш олиб боришмоқда.

Лицей кутубхонасига 3 мингдан ортиқ янги адабиётлар жамланган. Компьютер хонаси, лингофон хонаси, химия ва физика лабораториялари яхши жиҳозланиб, ўқув қуроллари билан янада бойитилиши назарда тутилган. Шунингдек, «Маънавият» хонаси ҳам ўқувчилар руҳига миллий уфор сингдириш хизматида.

Бу йил лицейга иқтисод, физика-математика, кимё-биология, ўзбек тили ва адабиёти, тарих-география ва хориж филологияси йўналишлари бўйича 150 та ўқувчи қабул қилинди. Қолаверса, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга, фан йўналишлари бўйича турли хил кечалар, кўрик-танловлар ўтказилиб борилиши хусусида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Лицей жамоаси «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» мавзусидаги кўрик-танловнинг ўтказилишини ният қилишгани ҳам хайрли ишлардан бири десак, хато бўлмайди.

Ўқув юртида 120 ўринга мослаштирилган ошхона ишлаб турибди. 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд. Спорт майдончаси, спорт зали ҳам ўқувчиларни соғломлаштириш йўлида камарбаста.

Маданий-маърифий тадбирларни кўнгилли ўтказиш учун 300 ўринли клуб ҳам ҳамма шароитга эга. Дарвоқе, академик лицей жамоаси тўлиқ ташкилий ишларни тугатиб, яқинда тақдимот маросимини ўтказдилар.

Умуман, лицей жамоасининг олдига қўйган мақсадлари катта. Мақсад бор жойда натижа ҳам бўлади. Биз уларнинг ижобат бўлишини тилаб, лицей жамоаси билан хайрлашдик.

Қаюм БОЙМИРОВ,
«Маърифат» мухбири

Teran tomirlar

ҚАРНОҚДАГИ КЎҲНА МАКТАБ

... Кўҳна Туркистон шаҳрида, Қарноқ кўчасининг шундоқ муюлишида 1905 йилда, замонанинг энг сўнгги зайлига мувофиқ қурилган бир ҳовли бўлгувчи эди. Унда халқига, юртига, чин дилдан хизмат қилган зукко бир инсон оиласи билан истиқомат қилар эди.

Бу инсон — Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, истеъдодли шоир Ҳамзани сақлаб қолмоқ илинжида нотинч замонлар ўтиб кетгунга қадар унга ўз уйидан жой берган, 1913-1914 йилларда ички ҳовлисида мактаб очган Саидносир МИРЖАЛИЛОВ ҳазратлари эди...

Мактабда камбағаллар ўғил-қизлари пулсиз ўқитиларди, бекларнинг болалари ўқиш учун ҳақ тўлар, бунинг бадалига Саидносир Миржалилов муаллимларни маош билан таъминларди.

Шундай қилиб қадим Туркистон шаҳрида биринчи ўзбек мактаби дунёга келди. Лекин ўша пайтда оқ подшо томонидан Урта Осиёда мусулмон халқлар учун янги усулдаги мактаблар очишга рухсат берилмаганди. Шунинг учун мактаб яширинҳуфя фаолият кўрсатишга мажбур бўлди.

Яқинда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида Ҳамза номидаги биринчи ўзбек мактабининг 80 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Кўҳна зиё масканига ташриф буюрганларни шаҳар ҳокими В.Қайназаров қизғин кутлади. Тантанада Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири, Узбекистон ва Қозоғистон Республикалари Дўстлик жамиятининг раиси Ж.Ғ.Йўлдошев номидан йўлланган табрик ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, педагогика фани бўйича йирик олимнинг тинимсиз илмий изланишлари самараси бўлган ўқув-услубий қўлланмалар ва монографиялар мажмуининг мактаб кутубхонасига совға қилиниши барчани руҳлантириб юборди.

Кечада сўзга чиққанлар бундан 80 йил оллин Узбекистондаги жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан Саидносир Миржалилов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар номи айни шу мактаб билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тўлқинланиб гапирдилар. Туркистон шаҳрида бундан 80 йил олдин фаолият бошлаган биринчи ўзбек мактаби жамиятимизга Муҳаммаджон Собиров, Зарифа Саидносирова, Иброҳим Ҳудойқулов, Саид Бухоров, Абдулҳақ Абдуллаев, Файзулло Йўллошев, Ғаффор Муминов, Эркин Абдалимов, Носир Фозилов, Одил Ёқубов каби фан, санъат ва адабиёт дарғаларини етиштириб берганлиги билан бугун ҳам қадрлидир.

Севимли алибимиз «икки элнинг элчиси» бўлиб катта мажбуриятни узига олган, Абай, М.Авезов, С.Муханов, А.Тожибоев, А.Нурпейисов, Ш. Муртазаев, Т.Ахтанов, К.Турсунқулов, Х.Найманбоевларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига таржима қилган Носир Фозилов мактаб хотираларини шундай эслайди:

Урушдан кейинги йиллар... Ўқиш кўп кўнгилларга сиғмайди. Бобом мени 5-синфда ўша мактабга ўқишга берганлар. Бошланғич таълимни «Ёйилма» қишлоқ мактабида олгандим. Эсимда, математикадан ҳеч ўзлаштиролмай қийналиб юрардим. Бир кун безор бўлиб мактабни ташлаб кетдим. Математика ўқитувчимиз Абубакир Азизов мени мактабгача чақиртириб келиб, кўзимни очган эди. Ўшанда устозимдан қалбидаги энг беғубор гапларини эшиттанман. Узимда истеъдод борлигини, уни йўққа чиқаришга ҳаққим йўқлигини айтганларида, яна иштиёқ билан ўқишни давом эттиргандим. Энди билсам, ҳар бир бола тақдирига эътибор бериш, келажакка умид ва ишонч руҳини уйғотиш ўша мактаб ўқитувчиларига хос хусусиятлардан бири экан...

Дарҳақиқат, ушбу билим маскани бугун ҳам меҳриларё муаллимлару илмга чанқоқ ўқувчиларга ажойиб макон. Бу ерда XXI аср гултожлари ҳам етилаётган бўлса ажаб эмас.

Фахриддин КАРИМОВ

КУТУБХОНА ТЕГРАСИДА СЎЗ

Кутубхона зиё маскани. Уларнинг ижтимоий ролини оширишнинг долзарб муаммолари талайгина. Ана шуларни ҳал этиш мақсадида 22-23 октябрь кунлари Тошкент Давлат маданият институтида республика конференцияси бўлиб ўтди. Уни институт ректори А.Тураев кириш сўзи билан очди. Анжуманда республика кутубхоналарининг ҳозирги кундаги аҳволини таҳлил этиш, улар фаолиятининг ташкилий-бошқарув масалалари, кадрлар тайёрлаш тизими, зиё масканларининг жаҳон илмий-техник ахбороти тизимидаги ҳолати, кутубхона фондларини тўкислаш,асраш каби масалалар ва муаммолар кўриб чиқилди.

Тадбир уч секция бўйича иш олиб борди. Биринчи секцияда мустақиллик шароитида Узбекистон кутубхоналари фаолиятини ташкилий бошқарув масалалари, кадрлар тайёрлаш муаммолари кўрилган бўлса, иккинчи секция Узбекистон кутубхоналари жаҳон илмий-техника ахборот тизимида деб номланди. Кутубхона фондини тўкислаш, асраб фойдаланиш масалаларига учинчи секцияда атрофлича тўхталинди. Айниқса, Тошкент Давлат маданият институти библиография кафедраси мудири М.Туропов, УзРДК илмий тадқиқот бўлими бошлиғи М.Пугачларнинг маърузалари долзарблилиги жиҳатидан ажралиб турди. Хўш, кўзланган мақсадга етилдими? Бу саволга иккинчи секция раиси, кутубхоначилик факультети декани, педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.Шамсиев қуйидагича жавоб берди:

— Анжумандан кўзланган мақсадга етилди. Маърузачилар муаммоларни очиқ айтиб ўтишди. Мисол учун, ўтган йили 122 та кутубхона ёпилган, ҳали мустақилликдан кейин янги кутубхона низоми тасдиқланмаган. Кутубхоналарнинг аксарият қисми бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Мисол учун, «Турон», Навоий номидаги кутубхоналар ҳам эски биноларда жойлашган. Шу муаммолар эса конференциянинг асосини ташкил қилди. Айниқса, кадрлар масаласи бугунги долзарб муаммолардандир. Тўғриғи, компьютер билан ишлашга ихтисослаштирилган кадрлар умуман йўқ. Шуни назарда тутган ҳолда келгуси йилдан институтимизда янги мутахассислик очмоқчимиз.

Х.АБДУРАҲМОНОВ

Uchrashuv

ЭЛЧИ ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 59-ўрта мактабда Хитой Халқ Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга бежиз бу жой танланмади. Негаки, республикамизда фақатгина шу мактабда 1957 йилдан бошлаб хитой тили ва адабиёти ўқитилади. Хитой тили ва адабиётини ўқитиш аҳволи билан танишиш мақсадида янги сайланган элчи жаноблари Ли Цзин Сян рафиқаси Ван Пой Цзин ва элчихона ходимлари мактабга ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар хитой тили ва адабиёти ўқитиш хоналари, хитой тили дарсларида бўлдилар. Ўқитувчиларнинг дарс бериш услублари, ўқувчиларнинг кенг ва чуқур билимлари ва жуда эркин сўзлашишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган «Қизил қалпоқчали қизча» саҳналаштирилган эртак инсценировкасининг хитой тилидаги намойиши, «Бир катта дарё», «Мен бир бахтли қушчаман», «Ўқитувчилар байрами» ва «Хитой географияси» шеърий композициялар, маҳорат билан ижро этилган хитой халқ қўшиқлари ва миллий рақслар ижросидан меҳмонлар уларнинг топқирлик ва билимдонлигига қойил қолишди.

Учрашувда сўзга чиққан Хитой Халқ Республикаси элчиси жаноб Ли Цзин Сян мактаб педагогик жамоасига катта миннатдорчилик билдириб, уларга икки дўст давлат халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилади.

Учрашув охирида жаноб элчи мактаб педагогик жамоасига Хитой Республикасидан келтирилган катта нусхада 1-11-синфлар учун дарслик, ўқув ва кўргазмали қўлланмаларни топширди.

Педагогик жамоа элчи жанобларига, у кишининг рафиқасига узбек миллий либосларини совға қилишди.

Учрашув барчада катта таассурот қолдирди.

С.МУСАХЎЖАЕВ

ИЖОДИЙ КЕЧА

Пойтахтимиздаги республика байналминал миллий марказида Узбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Мавлуда Ойнақулова, шоир, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бурибой Уразимбетов ҳамда «Узбекнаво» концерт бирлашмасининг раққосаси Гавҳар Жадигеровалар ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани Узбекистон маданият ишлари вазирлиги, республика Ёзувчилар уюшмаси, республика байналминал миллий маркази ва республикамиздаги қозоқ миллий маданий маркази ташкил этди.

Қизиқарли ва сермазмун ўтган бу кечада қатнашган Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Умрзоқ Узбеков ижодкорларга муваффақиятлар тилаб, уларга эсдалик совғалар топширди. Шунингдек, халқаро «Қозоқ эли» газетаси бош муҳаррири Бақит Сарбалаев, Бутунжаҳон қозоқлари ассоциацияси раисининг муовини Мақаш Сапарғалиев, республикамиздаги таниқли рассом-ҳайкалтарош Абдумалик Бухорбоев ва бошқалар кечанинг серфайз ўтишига ўз улушларини қўшишди. Республикамиздаги қозоқ миллий маданият маркази раиси Турсумат Холбоев шоир Б.Уразимбетовга қариндошлари номидан «Жигули» машинасининг калитини, санъаткор қизларимизга эса қимматбаҳо совғалар топширди.

Абдусаттор ТОШИМБЕТОВ

Mulohaza

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Олий ўқув юртларини бакалавр ва магистр даражаларида битириб чиқувчилардан замонавий касбий маҳорат кўникмалари, фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаларидан хабардор бўлган, чет эллик тенгдошларидан ўз касбий йўналишлари бўйича қолишмайдиган мутахассис бўлишлари талаб этилади.

Бу вазифаларни самарали амалга оширишда гуманитар-ижтимоий, айниқса, иқтисодий фанларнинг алоҳида ўрни бор. Иқтисодий фанларни таҳлил этиш, зарур илмий-ҳаётий хулосаларни ясаш ва уларни умумлаштириш бу соҳанинг ичига кириб бораётган мутахассиснинг бош мезонига айланмоғи керак.

Шунинг учун бу фанлар қандай ўқилаётганлиги, ким ўқитаётгани ва ким ўқиётгани биринчи даражали аҳамиятга эга.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда, энг аввало, билим олишнинг манбалари яъни, фан дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, шўролар салтанати тугаши билан бирга унга мос ҳукмрон ғоялар барбод бўлди. Уз навбатида узоқ йиллар давомида ягона мафкуравий ғоялар асосида яратилган барча ижтимоий фан дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари, илмий-тадқиқот ечимлари Узбекистонда барпо этилаётган эркин демократик жамият мақсадларига мос келмай қолди. Шунинг учун давр руҳига мос ғоялар сингдирилган дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар яратиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

«Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз... Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак»! — деб таъкидлаган эди Президентимиз И. Каримов.

Бу масала ижтимоий-гуманитар фанлар зиммасига, шу жумладан, иқтисодиёт назарияси фани мутасаддиларига ҳам катта вазифалар юклайди.

Чунки илгари мавжуд иқтисод фанларининг биронтаси ҳам Узбекистонда барпо этилаётган мутлақо янги жамият муаммоларини ҳал қилиб беришдан анча йироқда, бинобарин, иқтисод фанларининг тадқиқоти бўла олмас эди. Шунинг учун жамиятимиз муаммоларини ўз тадқиқот объекти деб биладиган замонавий иқтисод фанини яратиш лозим бўлди. Сўнгги йилларда иқтисодиёт назарияси фани дастурини тайёрлаш, дарсликлар чоп этиш борасида талай хайрли ишлар қилинди. Аммо бу соҳада ечилмаган муаммолар анчагина. Энг аввало бугунги кун талабига жавоб берадиган мукаммал ўқув дастури яратилган эмас. Мавжуд дастурлар ҳам иқтисодиёт назарияси талабларига тўла жавоб бермайди. Уларда назарий масалалардан кўра амалий жиҳатларга эътибор кенгроқ қаратилган.

Мавжуд дарслик ва қўлланмалар дастур талаблари асосида ёзилмаган. Республикамизда иқтисодиётнинг устуворлик ғояси асосида янги дастури ва шу асосда фундаментал бир дарслик яратиш вақти келди.

Республикада ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларини қайта тайёрлашга киришиш керак. Бугунги кунда мавжуд малака ошириш тизими хаётдан орқада қолмоқда. ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида малака ошириш курслари эскича усулда ташкил этилган бўлиб, узига юклатилган вазифани тўла бажара олмаётир. Шунинг учун ижтимоий фанлар, шу жумладан «Иқтисодиёт назарияси» фанлари ўқитувчиларининг малакасини оширишни Узбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида ёки Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида ташкил этиш, шунингдек «Устоз» жамғармаси кўмаги билан чет эллардаги иқтисодий олий ўқув юртларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугунги кунда тузилган ўқув дастурларида айрим иқтисодий фанлар бўлакларга бўлиниб, 30-40 соатлик алоҳида фан тариқасида ўқитилмоқда. Маълумки, иқтисодиёт муаммолари бозор иқтисодиёти, макроиқтисодиёт ва жаҳон иқтисодиётидан ташкил топган. Аммо сўнгги вақтларда «Бозор иқтисодиёти асослари», «Макроиқтисодиёт», «Жаҳон иқтисодиёти» алоҳида фан сифатида киритилди. Тузилган ўқув режаларига мувофиқ техника олий ўқув юртларида иқтисодиёт назарияси фани бўйича барча мутахассисликлар учун 100 (ваҳоланки, 1990-92 йилларда 120-140 соат ажратилар эди) соатлик дарс соатлари ажратилган. Шу билан бирга кўпгина техника олий ўқув юртларида муҳандис-иқтисодчи факультетлари бўлса-да, уларга ҳам иқтисодиёт назарияси фанини ўрганиш учун бор-йўғи 100 соатлик дарс ажратилган. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 1995 йилда тасдиқланган фан дастурида эса иқтисодий олий ўқув юртлари ва факультетлари учун 200 соатлик дарс белгиланиши кўрсатилган. Бу масала ўқув юртларида бажарилмаётир.

Узбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели ва республикадаги иқтисодий барқарорлик, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тараққиётимиз муаммолари ечимини топиш ва уларни ҳал этишда Президент И.Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997 йил) ва «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995 йил) асари фақат мамлакатимизда эмас, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам жуда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шунинг учун бу асарларни олий ўқув юртларида айрим бир факультатив фанлар ва илмий кенгашлар белгилайдиган соатлар ҳисобидан ҳар бирини 50 соат миқдорида доимий фан сифатида ўқитишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни амалга ошириш ижтимоий-гуманитар, шу жумладан, иқтисодиёт назарияси фани олдида турган муаммоларни ҳал этиш ва талабаларни етук мутахассис қилиб тайёрлашнинг муҳим шартидир.

Юсуф ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Maktabgacha ta'lim

ТАНИ СОҒДА МАЪНИ СОҒ

Куз фаслида сув ҳавзаларида чўмилаётган болаларни камдан-кам учратамиз. Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов маҳалласида жойлашган 338-болалар боғчасида эса нуридийдаларимиз йил давомида мазза қилиб чўмилишаётир.

Тўрт йилдирки, кичкинтойлар гулшанида илиқ сувли сузиш ҳавзаси мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Боғчада 152 нафар ўғил-қиз бўлиб, улар ҳар куни график асосида чўмилишиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Сўнгра доривор ўсимликлардан тайёрланган шифобахш чой истеъмол қиладилар.

Ўсимликлардан ҳозирланадиган шифобахш ичимликлар тиббий ҳамшира Б.Турмуҳамедова раҳбарлигида тайёрланади.

Мурғак қалбларнинг ҳеч қандай шамоллаш асоратига учрамай, соғлом вояга етишларида С.Гадоева, Б.Илёсова, Н.Собирова, Р.Ҳакимбекова, Г.Қучқорова, З.Асиева сингари меҳрибон тарбиячилар уларнинг хиссаси катта бўлмоқда.

—Дилбандларимиз масканига, — дейди болалар мудираси Нодира Ғаниева, — «Водоканал» заводи (директори Ш.Акмалов) ҳомийлик қилади. Завод ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган турли хил мева ва сабзавотлар болажонларимиз дастурхонини безаб келаётир. Шунингдек, кичкинтойлар масканининг санитария ҳолатини яхшилаш ишларида яқиндан кўмаклашаётир.

МУХБИРИМИЗ

Суратда: Жажжи ширинтойлар сузиш ҳавзасида мириқиб чўмилишмоқда. Засим Соколов олган сурат.

Himmat

«БИРЛАШГАН»НИНГ ТАНТИЛИГИ

Уйчи туманидаги 24-«Бойчечак» болалар боғчаси жамоаси «Таълим тўғрисида» ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ эта бориб, сезиларли натижаларга эришмоқда. Кичкинтойлар масканида 8 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 150 нафар ўғил-қиз тарбияланаётир. Тарбияланувчилар учун барча қулай шароитлар яратиб берилган. Дилбандлар мазкур гулшанда инглиз тили ва иқтисод бўйича илк тушунча оляптилар.

Нуридийдаларнинг нутқини ривожлантириш, саводхонлигини ошириш, дунёқарашини шакллантириш мақсадида Матлуба Назарова, Муборак Нишонова, Маъфират Охунова сингари малакали мураббийлар турли хил кўргазмали қуроллар асосида машғулот ўтмоқдалар.

Боғча жамоаси ота-оналар ва оталиқ ташкилоти билан яхши алоқа ўрнатган. Бу ўринда «Бирлашган» жамоа хўжалигининг ёрдами катта бўлаётир. Оталиқ ташкилоти боғчани таъмирлаш, турли тадбирлар ўтказишда яқиндан кўмаклашмоқда. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида барча соҳалар қатори мактабгача тарбия муассасаларида ҳам қатор қийинчилик ва муаммолар кўзга ташланиб қолди. Ота-оналар фарзандлари учун боғча пулини тўлай олмаётганлиги сабабли боғчага қатновчилар камайиб қолди.

Шундай пайтда жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Шаҳобиддин Раҳимов) ёрдам қўлини чўзиб, 100 нафар хўжалик аъзоларини фарзандлари учун бадал тўлашдан озод қилди. Шунингдек, 50 нафар тарбияланувчи эса 50 фоиз миқдорида бадал тўлайдиган бўлди.

«Бирлашган» жамоа хўжалиги аъзолари ва қишлоқда яшовчи ота-оналар бундай ғамхўрликдан ғоят мамнун.

М. ҚОДИРОВ

«РАДИО ТАРМОҚ ТАНҚИД ҚИЛАДИ»

Янги ўқув йили бошида чиқарган Наманган вилояти ҳокимининг «Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда ўқувчилар тафаккурини янада юксалтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги билан қизиқиб, Бешкапа қишлоғидаги Ҳабиб Абдуллаев номли 12-мактабда бўлдик.

...Катта танаффусдан огоҳ берувчи қўнғироқнинг жарангдор овози барчани соя-салқин дарахтзор бағрига чорлади. Шу аснода ёш сухандоннинг радиокарнай орқали «Диққат, мактаб радиотармоғидан гапирамиз...» деган ширали овози янградию чор-атроф сув сепгандай жимжит бўлди. Барчанинг диққат-эътибори, нигоҳи радиокарнайга тортилди...

—Мактабда вилоят ҳокимининг қарорига амалий жавоб бериб, маънавий-маърифий соҳадаги тадбирлар ижросини янада яхшилаш, уларнинг мазмун ва моҳиятини кучайтириш борасида изчил сайъи-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мактабимиз радиотармоғи мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ҳар куни эрталабки машғулотлар олдидан радиокарнай мавжлари орқали Узбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграйди. Саф тортган ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам унга жўровоз бўладилар. Шунинг қаторида давлатимиз байроғи ҳам кўтарилади,—деди биз билан суҳбатда мактаб директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Р.Нишонов.

—Радиотармоқ орқали «Мактаб янгиликлари», «Буюк сиймолар», «Аълочи ўқувчилар», «Радиотармоқ танқид қилади» сингари мавзуларда хилма хил эшиттиришлар тингловчилар ҳукмига ҳавола этилаяпти. Унинг самараси ўлароқ ўқувчилар ўртасида интизомсиз, аҳлоқсиз, дарсларга қатнашмайдиган, узлуксиз дарс қолдирувчилар кескин камайди. Энг муҳими, ҳар бир эшиттиришнинг мазмунли ва қизиқарли бўлиши диққат эътиборимизда турибди.

Бунда С.Усмонова, Р.Мақсудова, Ф.Жўлибоева, Г.Уринова каби аълочи ва жамоатчи ўқувчилар, уларнинг устозлари—мусиқа фани ўқитувчиси Машрабжон Пратов, узбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулнора Омонуллаевалар-нинг ҳиссаси айниқса, салмоқлидир.

Б.ҚЎШМОНОВ

Xulosa

ҲАМҚАДАМЛИК

1998 йилги тест натижалари хусусида

Бу йил таълим тизими ислоҳини янада такомиллаштириш, унинг барча бўғинлари самарадорлигини кўтариш борасида талай ишлар қилинди. Республика ҳукумати томонидан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларнинг барчаси кадрларни тайёрлаш ва уларнинг сифатини ошириш, кадрлар билимини назорат қилиш ҳамда аттестациядан ўтказишда тест усулини кенг талбиқ этишга йўналтирилган.

Тест усулининг мактаб—ўрта-махсус ўқув юрти—олий ўқув юрти қўринишидаги кўп поғонали тизими қарорларни амалга оширишнинг муҳим нуқтасига айланмоқда.

Бутун таълим мажмуи самарадорлигини баҳолашнинг ягона ҳуқуқий тизими яратилмоқда.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда Давлат тест маркази (ДТМ) уз кучини, энг аввало, тест технологиясини такомиллаштириш, улкан ахборотлар базаси билан таъминлаш, тест топшириқлари сифатини оширишга йўналтирилди. 1997 йил тест натижаларининг Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари кенгайтирилган коллегияларида, шунингдек, республика вилоятларида кенг жамоатчилик иштирокида таҳлил ва муҳокама қилиниши ўқув жараёни самарадорлигини ошириш, таълимни бошқариш, шу билан бирга тест технологияларини такомиллаштириш йўлларини белгилаб олиш имконини берди.

Узбекистонда биринчи марта ишлаб чиқилган, компьютер технологиясидан кенг фойдаланишга асосланган, тест натижалари холислигини таъминловчи кўп вариантли тест тизими бу йил материалнинг статистик ишланмаси ўлароқ такомиллаштирилди.

Бу, аввало, тест технологиясининг алоҳида бўғинларини автоматлаштиришдан иборат.

Махсус компьютер дастурларини ишлаб чиқариш ҳамда биз ўтказган тадқиқотлар ДТМни автоматлаштиришнинг интеграциялашган тизими асосини яратиш имконини берди.

Ҳар бир олий ўқув юртида талбиқ этилган ва модем алоқаси орқали ДТМ билан боғланган АСУ-абитур учун компьютер дастури ва тизими ишлаб чиқилди.

Бу қабул комиссияларининг иши, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига кираётган битирувчиларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида узлуксиз ва тезкор ахборот олиш имконини берди. АСУ — абитур ёрдамида юқори даражадаги объективлик билан абитуриентлар гуруҳини ташкил этиш, уларни ҳамда раҳбарлар ва кузатувчиларни аудитория бўйича тақсимлаш амалга оширилди. Бу йил билим даражаси, мустақил фикрлаш салоҳияти, ёшларнинг ақлий такомилининг ҳаққоний баҳосини таъмин этувчи тест топшириқлари банкини қўпайтириш, сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилди.

Шу мақсадда тест топшириқларини тузиш, уларни ҳар томонлама тақриз қилиш учун моҳир педагоглар, олий ўқув юртлари ва Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг етакчи олимлари жалб қилинди.

Узига хос тест саволларини яратиш мақсадида «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» танлови ташкил қилинди.

Тест топшириқларининг турли ўқув юртларида синаб кўрилиши, шундан кейинги ишланмалар ва тузатишлар унинг сифатини ошириш имконини берди.

Тест топшириқларининг сифат кўрсаткичлари, ишончлилиги, мураккаблик даражасини белгиловчи махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилди.

Тест топшириқларининг «Ахборотнома», »Вестник», «Хабарнома» журналларида чоп қилиниши ҳамда уларнинг кенг педагогик жамоатчилик орасида муҳокама қилиниши, турли тақриз ва тилаклар тест саволларини қўшимча синовдан ўтказиш имконини туғдирди.

Чет тиллар бўйича тест топшириқлари хорижлик мутахассислар томонидан таҳрир қилинди.

Тест технологиясини ўргатиш, битирувчилар билими даражаси ва касбий мойиллигини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги 20000 дан ошиқ ўқувчилар билан тест машқлари ўтказилди.

Бу йил тест топшириқлари банки 60000 га етказилди, Мазкур жамланма абитуриент билимини ҳар томонлама чуқур баҳолашга замин яратади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 1998/99 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлашга қабул қилишнинг умумий квотаси 42 минг белгиланган бўлиб, уларнинг 21 минги давлат грантлари асосидадир. Олий ўқув юртларига қабул қилиш барча кирувчилар (ҳам грант, ҳам шартнома бўйича) учун тенг ҳуқуқлик ва умумий қабул қоидалари асосида амалга оширилди. Давлат гранти бўйича тест синовларида энг юқори балл олган абитурентлар биринчи бўлиб қабул қилинди. Қолган абитурентлар баллари бўйича тўлиқ контракт асосида қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлишди.

Буларнинг барчаси тест жараёнида ижтимоий адолат ва ҳаққонийликни таъмин этди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, қабул қилинганларнинг 36% — ишчилар ва меҳнаткашлар, 59,4% — зиёлилар (врачлар, ўқитувчилар, хизматчилар), қолгани (4,6%) эса тадбиркорлар фарзандларидир.

Анъанага кириб қолган «Тест натижалари таҳлили» китобини бу йил ҳам тақдим этамиз. Таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу йил 1995 йил ва ундан кейинги йилларга нисбатан абитуриентлар сони кескин ошиб, 250000ни ташкил этди. Мазкур йилнинг ажралиб турадиган жиҳатларидан бири қишлоқ мактабларидан келган абитуриент сони кескин ошганлигидир: улар шаҳар мактабларидан 2,5 баравар кўпчиликни ташкил этди. Шунингдек, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига қабул қилинган қишлоқ мактаблари ўқувчилари шаҳар мактабларининкига қараганда икки марта кўп.

Бу йил таълимнинг барча йўналишлари бўйича танловнинг ошиши кузатилди. Тарих, табиий фанлар, техник ва технологик мутахассисликлар, тил йўналиши бўйича ҳам танловнинг ошганлиги қувонарли ҳолдир.

1997 йилга нисбатан ўтиш балининг ўсганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аввалги йилларга қараганда юқори балли абитуриентлар сони ошди. Буларнинг барчаси абитуриентлар контингенти сифатининг яхшиланганлигидан дарак беради. Тест натижаларининг таҳлили олий ўқув юртлари рейтингини аниқлашга имкон туғдирди.

Китобда шаҳар ва қишлоқ битирувчилари тайёргарлиги муқоясаси, уларнинг ўртача баллари тақсимоти, республика барча минтақалари абитурентларининг турли предметлари бўйича жавоблари самарадорлиги ҳукмингизга ҳавола этилади.

Қабул қилинган шаҳар абитуриентларининг ўртача бали — 154, 9, қишлоқ абитуриентларининки эса — 134,5 бални ташкил этди.

Умид қиламизки, биз ўтказган таҳлил халқ таълими тизими ходимларига ўқув жараёнини, ўқувчилар тайёргарлиги сифатини такомиллаштириш, янги педагогик технологиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича сезиларли кўмак беради.

Муҳсин МУҲИДДИНОВ,
Давлат Тест маркази директори

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	45624	3575	35,45	27113	1985	37,94	6790	490	38,49	11721	1100	29,60
2	Андижон вилояти	126328	9556	36,72	54907	3446	44,26	23803	1563	42,30	47618	4547	29,09
3	Наманган вилояти	125654	9702	35,98	63588	4153	42,53	23991	1715	38,86	38075	3834	27,59
4	Фарғона вилояти	110162	10199	30,00	43630	3216	37,68	16294	1516	29,86	50238	5467	25,53
5	Бухоро вилояти	90076	7016	35,66	42666	2697	43,94	15063	1156	36,20	32347	3163	28,41
6	Хоразм вилояти	63134	5108	34,33	28846	1732	46,26	5483	370	41,16	28805	3006	26,62
7	Сурхандарё вилояти	112408	9538	32,74	49302	3615	37,88	16392	1183	38,49	46714	4740	27,38
8	Қашқадарё вилояти	194984	13055	41,48	98287	5877	46,46	36115	2101	47,75	60562	5077	33,14
9	Жиззах вилояти	51391	4278	33,37	29011	2191	36,78	9785	845	32,17	12595	1242	28,17
10	Навоий вилояти	55414	4566	33,71	26989	1922	39,01	5727	457	34,81	22698	2187	28,83
11	Самарқанд вилояти	168759	10962	42,76	66795	4136	44,86	23429	1291	50,41	78535	5535	39,41
12	Сирдарё вилояти	26123	2508	28,93	10893	930	32,54	5691	522	30,28	9539	1056	25,09
13	Тошкент вилояти	109653	8286	36,76	48475	3154	42,69	16733	1105	42,06	44445	4027	30,66
14	Тошкент шаҳри	134649	7807	47,91	80476	4495	49,73	38298	2146	49,57	5875	1166	37,82
	Жами		**106156**	**36,13**		**43549**	**41,61**		**16460**	**39,46**		**46147**	**29,81**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12097	1104	30,44	10332	964	29,77	1765	140	35,02	-	-	-
2	Андижон вилояти	25822	1986	36,12	18896	1493	35,16	6926	493	39,02	-	-	-
3	Наманган вилояти	30177	2498	33,56	23851	1967	33,68	6326	531	33,09	-	-	-
4	Фарғона вилояти	19698	2004	27,30	14759	1453	28,22	4939	551	24,90	-	-	-
5	Бухоро вилояти	22173	1886	32,66	17580	1450	33,68	4593	436	29,26	-	-	-
6	Хоразм вилояти	11193	900	34,55	9642	763	35,10	1551	137	31,45	-	-	-
7	Сурхандарё вилояти	23076	2195	29,20	18414	1755	29,15	4662	440	29,43	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	54873	4161	36,63	41924	3261	35,71	12949	900	39,97	-	-	-
9	Жиззах вилояти	15111	1559	26,92	11627	1195	27,03	3484	364	26,59	-	-	-
10	Навоий вилояти	14061	1275	30,63	12005	1073	31,08	2056	202	28,27	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	26848	2123	35,13	20648	1663	34,49	6200	460	37,44	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	5471	570	26,66	4031	426	26,28	1440	144	27,78	-	-	-
13	Тошкент вилояти	26894	2293	32,58	20936	1813	32,08	5958	480	34,48	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	40454	3084	36,44	27061	2085	36,05	13393	999	37,24	-	-	-
	Жами		**27638**	**32,06**		**21361**	**31,86**		**6277**	**32,42**		**0**	**0,00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12993	1035	34,87	11755	930	35,11	696	54	35,80	542	51	29,52
2	Андижон вилояти	24419	1726	39,30	19042	1296	40,81	2980	220	37,63	2397	210	31,71
3	Наманган вилояти	24855	1714	40,28	22039	1446	42,34	1720	142	33,65	1096	126	24,16
4	Фарғона вилояти	28984	2147	37,50	23918	1634	40,66	2265	213	29,54	2801	300	25,94
5	Бухоро вилояти	31085	1865	46,30	27728	1585	48,59	2404	180	37,10	953	100	26,47
6	Хоразм вилояти	23491	1475	44,24	20855	1239	46,76	1508	130	32,22	1128	106	29,56
7	Сурхандарё вилояти	17394	1571	30,76	13222	1135	32,36	1925	190	28,14	2247	246	25,37
8	Қашқадарё вилояти	44625	3191	38,85	37816	2587	40,60	4299	329	36,30	2510	275	25,35
9	Жиззах вилояти	8829	697	35,19	7660	575	37,00	1048	109	26,71	121	13	25,85
10	Навоий вилояти	13824	1003	38,29	11700	812	40,02	1326	121	30,44	798	70	31,67
11	Самарқанд вилояти	51914	3624	39,79	45522	3074	41,14	4682	391	33,26	1710	159	29,87
12	Сирдарё вилояти	6043	489	34,33	5431	440	34,29	276	21	36,51	336	28	33,33
13	Тошкент вилояти	19369	1551	34,69	15612	1185	36,60	1748	158	30,73	2009	208	26,83
14	Тошкент шаҳри	22801	1533	41,32	18985	1237	42,63	2304	192	33,33	1512	104	40,38
	Жами		**23621**	**38,26**		**19175**	**39,92**		**2450**	**32,95**		**1996**	**29,00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	26864	1699	43,92	16464	1002	45,64	1080	66	45,45	9320	631	41,03
2	Андижон вилояти	62881	3502	49,88	29324	1557	52,32	6105	293	57,88	27452	1652	46,16
3	Наманган вилояти	80356	4628	48,23	29111	1543	52,41	1573	80	54,62	49672	3005	45,92
4	Фарғона вилояти	91992	5608	45,57	38411	2161	49,37	3135	214	40,69	50446	3233	43,34
5	Бухоро вилояти	73305	3681	55,32	39297	1786	61,12	2917	190	42,65	31091	1705	50,65
6	Хоразм вилояти	65956	3881	47,21	25319	1197	58,76	5004	319	43,57	35633	2365	41,85
7	Сурхандарё вилояти	45551	3338	37,91	18982	1220	43,22	2667	169	43,84	23902	1949	34,07
8	Қашқадарё вилояти	126447	6842	51,34	49982	2579	53,83	4535	263	47,90	71930	4000	49,95
9	Жиззах вилояти	29888	1908	43,51	10108	604	46,49	605	35	48,02	19175	1269	41,97
10	Навоий вилояти	38899	2313	46,72	14378	781	51,14	1026	69	41,30	23495	1463	44,61
11	Самарқанд вилояти	124099	6597	52,25	61633	3131	54,68	7771	488	44,23	54695	2978	51,02
12	Сирдарё вилояти	20394	1493	37,94	8124	520	43,40	247	15	45,74	12023	958	34,86
13	Тошкент вилояти	57349	3698	43,08	21812	1327	45,66	2777	187	41,25	32760	2184	41,67
14	Тошкент шаҳри	45095	2391	52,39	24484	1240	54,85	4326	247	48,65	16285	904	50,04
	Жами		**51579**	**46,80**		**20648**	**50,92**		**2635**	**46,13**		**28296**	**44,08**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4468	308	40,30	4188	287	40,53	280	21	37,04	-	-	-
2	Андижон вилояти	1728	125	38,40	1399	103	37,73	329	22	41,54	-	-	-
3	Наманган вилояти	3107	206	41,90	2386	153	43,32	721	53	37,79	-	-	-
4	Фарғона вилояти	4479	283	43,96	3448	216	44,34	1031	67	42,74	-	-	-
5	Бухоро вилояти	2396	148	44,97	2294	142	44,87	102	6	47,22	-	-	-
6	Хоразм вилояти	825	49	46,77	825	49	46,77	-	-	-	-	-	-
7	Сурхандарё вилояти	1910	149	35,61	1808	142	35,37	102	7	40,48	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	2996	196	42,46	2639	174	42,13	357	22	45,08	-	-	-
9	Жиззах вилояти	1430	106	37,47	1430	106	37,47	-	-	-	-	-	-
10	Навоий вилояти	1845	140	36,61	1845	140	36,61	-	-	-	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	3583	246	40,46	3392	236	39,92	191	10	53,06	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	246	13	52,56	246	13	52,56	-	-	-	-	-	-
13	Тошкент вилояти	2680	175	42,54	1961	129	42,23	719	46	43,42	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	1513	97	43,33	633	39	45,09	880	58	42,15	-	-	-
	Жами		**2241**	**41,95**		**1929**	**42,07**		**312**	**43,05**		**0**	**0,00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	18328	1335	38,14	14223	1019	38,77	4105	316	36,08	-	-	-
2	Андижон вилояти	50160	3387	41,14	37057	2366	43,51	13103	1021	35,65	-	-	-
3	Наманган вилояти	46774	3269	39,75	36575	2410	42,16	10199	859	32,98	-	-	-
4	Фарғона вилояти	51599	3737	38,35	40402	2727	41,15	11197	1010	30,79	-	-	-
5	Бухоро вилояти	34500	1993	48,08	27554	1506	50,82	6946	487	39,62	-	-	-
6	Хоразм вилояти	20781	1262	45,74	18053	1080	46,43	2728	182	41,64	-	-	-
7	Сурхандарё вилояти	31974	2693	32,98	24833	2054	33,58	7141	639	31,04	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	54715	3663	41,49	41343	2713	42,33	13372	950	39,10	-	-	-
9	Жиззах вилояти	18919	1337	39,31	14439	1001	40,07	4480	336	37,04	-	-	-
10	Навоий вилояти	10503	773	37,74	8787	644	37,90	1716	129	36,95	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	54637	3316	45,77	44391	2704	45,60	10246	612	46,51	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	14844	1251	32,96	11248	930	33,60	3596	321	31,12	-	-	-
13	Тошкент вилояти	38522	2389	44,79	29597	1766	46,55	8925	623	39,79	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	99183	5115	53,86	76562	3848	55,27	22621	1267	49,59	-	-	-
	Жами		**35520**	**41,44**		**26768**	**42,70**		**8752**	**37,71**		**0**	**0,00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили ва адабиёти, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	93848	7115	36,64	51587	4225	33,92	12466	830	41,72	29795	2060	40,18
2	Андижон вилояти	253470	16561	42,51	104366	7174	40,41	43786	2542	47,85	105318	6845	42,74
3	Наманган вилояти	264820	17765	41,41	115186	7948	40,26	37195	2463	41,95	112439	7354	42,47
4	Фарғона вилояти	306269	20199	42,12	127153	8411	41,99	37907	2572	40,94	141209	9216	42,56
5	Бухоро вилояти	212172	13235	44,53	104297	6312	45,90	25278	1619	43,37	82597	5304	43,26
6	Хоразм вилояти	155963	10752	40,29	64977	4270	42,27	10833	744	40,45	80153	5738	38,80
7	Сурхандарё вилояти	211938	16096	36,58	82925	6522	35,32	25421	1752	40,30	103592	7822	36,79
8	Қашқадарё вилояти	383527	24462	43,55	161500	11070	40,52	49372	3061	44,80	172655	10331	46,42
9	Жиззах вилояти	114085	8145	38,91	56360	4123	37,97	18764	1278	40,78	38961	2744	39,44
10	Навоий вилояти	123515	8471	40,50	54541	3692	38,93	10288	706	40,48	58686	3873	42,09
11	Самарқанд вилояти	371279	22504	45,83	171250	11036	43,10	33877	2017	46,65	166152	9451	48,83
12	Сирдарё вилояти	67782	5290	35,59	30209	2341	35,85	10185	742	38,13	27388	2207	34,47
13	Тошкент вилояти	222059	15538	39,70	83587	6266	37,05	29696	1892	43,60	108776	7380	40,94
14	Тошкент шаҳри	237390	14989	43,99	127701	8596	41,27	51957	3121	46,24	67732	3272	49,01
	Жами		**201122**	**40,87**		**92186**	**39,63**		**25339**	**42,66**		**83597**	**42,00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	33863	2030	46,34	23021	1389	46,04	6288	362	48,25	4554	279	45,34
2	Андижон вилояти	67890	3805	49,56	44592	2502	49,51	16166	874	51,38	7132	429	46,18
3	Наманган вилояти	71677	4109	48,46	49649	2699	51,10	16330	1030	44,04	5698	380	41,65
4	Фарғона вилояти	89573	4609	53,98	67750	3455	54,47	17628	952	51,44	4195	202	57,69
5	Бухоро вилояти	63110	2983	58,77	48513	2190	61,53	9045	465	54,03	5552	328	47,02
6	Хоразм вилояти	33875	1901	49,50	26913	1486	50,31	2688	163	45,81	4274	252	47,11
7	Сурхандарё вилояти	58459	3433	47,30	35072	1968	49,50	9954	590	46,86	3433	875	42,64
8	Қашқадарё вилояти	96145	4925	54,23	60396	3034	55,30	17662	953	51,48	8087	938	53,56
9	Жиззах вилояти	42302	2424	48,48	28683	1618	49,24	9701	589	45,75	3918	217	50,15
10	Навоий вилояти	33159	1811	50,86	25629	1418	50,21	4502	247	50,63	3028	146	57,61
11	Самарқанд вилояти	104711	5295	54,93	84834	4261	55,30	6044	272	61,72	13833	762	50,43
12	Сирдарё вилояти	24949	1462	47,40	17067	987	48,03	4960	316	43,60	2922	159	51,05
13	Тошкент вилояти	65519	3738	48,69	35464	1964	50,16	14122	834	47,04	15933	940	47,08
14	Тошкент шаҳри	96271	5054	52,91	58156	3041	53,12	18225	920	55,03	19890	1093	50,55
	Жами		**47579**	**50,81**		**32012**	**51,70**		**8567**	**49,79**		**7000**	**49,15**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3258	340	26,62	2576	263	27,21	682	77	24,60	-	-	-
2	Андижон вилояти	5764	513	31,21	4688	395	32,97	1076	118	25,33	-	-	-
3	Наманган вилояти	6194	610	28,21	4739	446	29,52	1455	164	24,64	-	-	-
4	Фарғона вилояти	4408	421	29,08	3384	305	30,82	1024	116	24,52	-	-	-
5	Бухоро вилояти	6415	497	35,85	5325	394	37,54	1090	103	29,40	-	-	-
6	Хоразм вилояти	5299	458	32,14	4902	420	32,42	397	38	29,02	-	-	-
7	Сурхандарё вилояти	3768	379	27,62	3080	302	28,33	688	77	24,82	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	6017	546	30,61	4769	431	30,74	1248	115	30,14	-	-	-
9	Жиззах вилояти	2980	314	26,36	2365	244	26,92	615	70	24,40	-	-	-
10	Навоий вилояти	3377	306	30,66	2899	254	31,70	478	52	25,53	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	12600	1010	34,65	11090	860	35,82	1510	150	27,96	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	1796	188	26,54	1184	126	26,10	612	62	27,42	-	-	-
13	Тошкент вилояти	2401	212	31,46	1822	151	33,52	579	61	26,37	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	3504	273	35,65	2275	160	39,50	1229	113	30,21	-	-	-
	Жами		**6067**	**30,48**		**4751**	**

«ОЛТИН ҲУМО» ПАРВОЗИ

Темурийлар тарихи Давлат музейида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани мактабгача таълим муассасаларининг «Узбекистон - Ватаним менинг» шиори остида «Олтин ҳумо» ижодий фестивали бўлиб утди.

Унда тумандаги бир қатор болалар богчаларининг ёш ҳаваскорлари санъатдаги маҳоратларини намойиш этдилар.

Ижодий фестивални утказишда республика «Узбекмузей» жамгармаси ҳомийлик қилди ва қатнашчиларга эсдалик совғалари тақдим этди.

Байрам шодиёнасида ХТВ масъуллари,ТШХТББ, ТШУМОИ, ТХТБ мактабгача таълим булимларининг мутахассислари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қумиталарининг раислари, болалар богчалари мудиралари, ота-оналар, меҳнат фахрийлари ҳозир бўлдилар.

Дилбар ФАЙЗИХЎЖА қизи

ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

— Ширин олма, кеп қолинг, оп қолинг!

— Қаернинг олмаси?

— Наманганники.

— Неча сўм?

— Юз сўм.

— Саксон сўмга бера қолинг.

— Сизники ҳам эмас, менинки ҳам эмас, ўртаси — тўқсон сўмга ола қолинг...

Тошкент шаҳридаги 29-яслисида жамоа иштирокида Тил байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Тантанада миллий кийим - атлас қўйлак, лозим, дўппи кийиб олган услубчи Галина Дорофеева «Бозор» мавзусидаги саҳна кўринишида сотувчи ролини ижро этди. Ёши элликларга бориб қолган русийзабон аёл Г.Дорофеева олди-сотди ҳақидаги саволларга Давлат тилида тутилмай, бурро-бурро жавоб қайтарди.

Шунингдек, тарбиячи ва энагалар ижросида «Ёр-ёр», «Келин салом», «Келинлар қўзғолони» сингари саҳна кўринишларидан парча намойиш қилинди. Мусиқа раҳбари Ирина Бодина ҳамда мураббий Маргарита Шчербиналар «Ёмғир ёғалоқ», «Нон ёпганда...» қўшиқларини айтиб, рақсга тушдилар.

Тантана сўнгида ясли мудираси Ирина Абишева сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам мана 9 йил ўтибди. Шу давр мобайнида Ўзбекистон гуллаб-яшнамоқда. Ҳамма соҳаларда, жумладан, таълимда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётир. «Ниҳол» яслимиз болаларни ривожлантириш борасида тажриба-синов майдончаси деб танланганидан беҳад миннатдормиз. Ёш ниҳолларни тарбиялаш борасида бизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Шодиёнада ЎзПФИТИ, ХТВ мактабгача таълим бўлимининг мутасадди ходимлари, Акмал Икромов туман таълим ва фан ходимлари муассасалари касаба уюшмаси ходимлари иштирок этдилар.

Д. ХЎЖАЕВА

Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳридаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба Маҳамедова уч йилдан буён ўқувчиларга лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбосини ўргатиб келаётир. Янги алифбони ҳозирда ўқувчилар тўла ўзлаштирмоқдалар.

В.ПОРТНОВ олган сурат

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1998 йил ноябрь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача тарбия муассасаларининг қуйидаги раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача тарбия муассасалари мудиралари - 2.11.1998 йил - 28.11.1998 йил

2. Мактабгача тарбия муассасалари услубчилари - 2.11.1998 йил - 28.11.1998 йил

Қисқа муддатли курслар:

3. ВМОК - кабинет мудирлари, методистлари - 2.11.1998 йил - 14.11.1998 йил

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Санаторий - профилакторийга курс тингловчилари 2-4 ноябрь кунлари курорт карталари билан қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 46-98-04. 28, 34, 76, 87—автобусларнинг Талабалар шаҳарчаси бекати.

O'git

ЁШ ЎҚИТУВЧИГА МАСЛАҲАТЛАР

Сиз ўқитувчилик касбини танлаб жуда яхши иш қилибсиз, муборак бўлсин! Бу, қадр-қиммати юксак касбдир. Устоз бола учун маънавий ота ёки она ҳисобланади. Болани тушуниш, севиш, ардоқлаш, ҳурматлаш ўқитувчининг энг юксак фазилатидир. Эсланг, ёшлик даврингизда мурғак тасаввурингизга нималар келган? «Катта бўлсанг ким бўласан?» деб сураганларида, «Ўқитувчи бўламан!», деганингиз аниқ. Мана, бугун ёшликдаги орзуларингиз рўёбга чиқибди.

Ўқитувчилик шарафли касб, лекин унинг маъсулияти катта эканлигини биласизми? У давлатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун камарбаста касбдир. Сиз таълим-тарбия тўғрисидаги қонунларни яхши ўзлаштирмоғингиз зарур. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» («Маърифат» газетасининг 1998 йил 1 апрель махсус сони), «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом» («Маърифат», 1998 йил 23 май), «Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти», «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида Низом» лойиҳалари («Маърифат», 1998 йил, 26 август) кабилар шулар жумласидан.

Дарс ўтишга тайёрланиш учун доимо қўлингизда ўқув дастури, дарслик, иложи бўлса методик қўлланма бўлсин. Дарсга пухта тайёрлансангиз, ютуғингиз, обрў-эътиборингиз ошиб бораверади. Ўз меҳнатингиз ва эришган ютуқларингиз билан лаззатланасиз, кундан-кунга ўқитувчилик касбига эътиқодингиз ортиб боради.

Сиз биласизки, ХТВнинг кўрсатмасига асосан, ёш ўқитувчи бир йиллик иш фаолиятида дарс конспектини тузади. Ҳар бир дарс мавзуси, мазмуни, уни аниқлаш суроқлари, мавзуни якунлашда нималарга эътибор бериши кенг шаклда баён қилинади. Иккинчи йилдан бошлаб дарс режаси тузилади. Ўқитувчи неча йил ишлаши, тажриба орттиришидан қатъи назар, ҳар бир дарсга пухта тайёрланиб, режа асосида дарс ўтиши шарт.

Ёш ўқитувчи бўлганингиз учун мактаб раҳбарлари жамоасида обрў-эътиборли, илғор тажрибали ўқитувчига сизни бир йил мураббийлик қилиш учун топширадилар. Ҳамкасбингиз сизни ўз дарсига олиб киради. Сизга йўл-йўриқлар кўрсатади , дарс ўтказиш усулларини ўргатади. Ўқув йили бошида таълим иши учун аниқ мавзу, тарбия иши учун ҳам алоҳида мавзу берилади. Сиз шу мавзулар асосида бир йил давомида 2 та реферат ёзасиз. Ёзилган реферат йил охирида метод бирлашмада муҳокама қилинади, сўнг мукаммал ҳолда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига топширилади. Халқ таълими бўлимида жамоатчилик асосида ёш ўқитувчилар билан ишлаш комиссияси тузилган. Унга туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги методик кабинет (ҳозир услубият хонаси) мудири раислик қилади. Бу комиссия ёш ўқитувчиларнинг бир йиллик иш фаолиятини ўрганади, тайёрланган рефератларни баҳолайди, энг яхши ёш ўқитувчиларни тақдирлайди, уларнинг намунали ишлари кўригини ўтказади.

Ёш ўқитувчи мактабга дарс бошланмасдан эртароқ келгани яхши.

Сиз дарсга кирганингизда бир ўқувчингиз ўрнидан турмади, ҳатто ёнида ўтирадиган ўртоғи, «Устоз, Эркин ўрнидан турмади», деди. Хўш нима қилиш керак? Боланинг ўрнидан туриб саломлашмагани учун танбеҳ берманг. «Нега турмадинг, мени ҳурмат қилмайсанми?» деманг, майли, Эркинжоннинг оёғи оғриётгандир, бир сабаби бордир. «Эркин ўзи яхши бола», десангиз кифоя. Сиз боланинг кайфиятини тушунган бўласиз. Агар иккинчи дарсда ҳам ўрнидан турмаса, дарсдан сўнг олиб қолиб, боланинг ҳурматини сақлаган ҳолда ёқимли ва таъсирли сўзлар билан суҳбатлашинг, шундагина ўзингиз ҳурмат қозонасиз.

Ҳозирги даврда болалар билан ишлаш жуда мураккаб. Айрим болалар ўқишга эътибор бермайдилар, унинг устига ахлоқсизлик одоби ҳам яхши эмас. Улар билан ишлаш сабр-тоқат, матонат, ирода, ниҳоятда билимдонликни талаб қилади.

Яқинда 8-синфда адабиёт дарсини кузатиш учун кирдим. Дарс бошланди. Бир ўқувчи қўл кўтариб ўқитувчига «Адабиёт ва санъат» газетасида Уткир Ҳошимовнинг мақоласи берилибди, шу мақола ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?» деб савол берди. Ўқитувчи: «Сен ҳам ўша мақолани ўқидингми, жуда яхши иш қилибсан, ҳозир дарс мавзусини утайлик, дарсдан кейин суҳбатлашамиз» деганида, ўз обрусига путур етмаган бўларди, аксинча у бола олдида мақолани ўқимаганлигини билдириб: «Олдин дарсни билиб олинг, кейин газета ҳақида гапирасиз» деган сўз билан ўқувчини ҳам, ўзини ҳам ранжитди.

1-синфга дарсга кирганимизда, ўқитувчи лотин алифбосида сўзларни доскага ёза туриб, 2 та сўзда хатога йўл қўйди, биринчи партадаги ўқувчи «Устоз, доскага хато ёздингиз» деса, ўқитувчи: «Атайин хато ёзган эдим, сизлар биласизми, йўқми деб» дея ўчириб тўғри ёзиб қўйди. Назаримда, тўғри иш қилди.

Ўқитувчининг сезгирлиги, билимдонлиги ҳамма вақт яхшиликка олиб бораверади.

Иложи бўлса, бола шахсини «сиз» деганингиз яхши. 50-йилларда мен ишлаган мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни эркалаб, қиз болаларни «онажоним», ўғил болаларни «отажоним» деб сизлаб гапирар эдилар.

Бизда тафаккур дунёси кенг, зукко, тадбиркор, ҳалол, умуман, барча яхши хислатларни ўзида жам этган ўқитувчилар оз дейсизми? Ҳар йили «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танлови ғолиби бўлиш, ҳар бирингизга насиб этсин!

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

«ЎЗБЕК-ТЕЛЕФИЛЬМ» САБОҒИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида ташкил этилган «Бизнес Олами» ўқув маркази томонидан яқинда республика қўғирчоқ театрида ёзувчи, журналист, сценарист, «Ўзбектелефильм» студиясининг бош директори Мирзааҳмад Алимов иштирокида тоқшоу ўтказилди.

М.Алимов ёшларга студиянинг қизиқарли иш жараёни, суратга олинаётган фильмлар ҳақида таништирди. Кечада, шунингдек, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, студия режиссёрлари, операторлари ҳам иштирок этишди.

Ҳинд маданият маркази вакилларининг чиқишлари эса кечани янада қизитди.

Шоуда энг қизиқарлиси телевизион кино билимдонлари конкурси бўлди. Унинг ғолиблари ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди, барча иштирокчилар кечага ҳомийлик қилган Ҳинд маданият маркази, «Труд» газетаси, «Нескафе» савдо белгиси, Алексей Назаровнинг «АНИК» тиббий даволаш маркази ва бошқаларга миннатдорчилик билдиришди.

Р.БОЙМАТОВ

YUZMA — YUZ

ОЛМАНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Суҳбат — ҳаммамиз учун оддий ҳодиса, қандайдир даражада зарурат. Зеро, бу зарурат кишилар тафаккурини бойитиши, муносабатларни янада мустаҳкамлаши, юрагига эзгу ҳислар солиши мумкин.

Тошкентнинг Мусо Жалил кўчаси, 114-уйда жойлашган Ҳинд маданий марказида «Ўзбек ва ҳинд усталирининг ижодий ҳамкорлиги» мавзусида уюштирилган суҳбат тамоман бошқача аҳамият касб этди.

Икки халқ кино ижодкорларининг экранга олиб чиққан асарларидаги қадрият нима саволига «Севги—муҳаббат, инсонийлик, яхшилик» деб жавоб берди санъатшунослик номзоди Саодат Ҳўжаева: Бу туйғулар бутун инсонят учун азиз ва абадийдир. Одамзод яралибдики, муҳаббат билан ошно. Бу дунёда эзгулик қолади, меҳр муҳаббат қолади... «Али бобо ва қирқ қароқчи»да ҳазрати инсоннинг ёвуз кучлар устидан ғолиб чиқиши, «Севги афсонаси»да вафо ва садоқат, «Овчи», «Алиф Лайло» фильмларидаги мураккаб инсоний кечинмалар қайси томошабинни мафтун этмади дейсиз?

Ҳинд маданий маркази директори, профессор Қамар Раис лабларидан табассум йиғилмай, тўпланганлар — адабиётшунос олимлар, ҳиндшунослар, шаҳар жамоатчилик вакиллари, журналистларга таширифлари учун миннатдорчилик изҳор этди:

— Биз ҳиндистонликлар ўзбек халқини, унинг санъати, маданиятини ардоқлаймиз. Санъатларимизни солиштирсак, жиндек уйғунлик кўргандай бўламан. Бадиий ибора билан айтсам, ҳинд ва ўзбек бир олманинг икки палласидир.

Видеокассетага тасвири тушириллган янги кино асарларидан намойиш этилган лавҳалар ширин суҳбатнинг давоми бўлди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Ta'lim fidoyilari

ЎЛИМ ИСКАНЖАСИДАГИ НИЯТ

...Қучқорнинг тирсаги дайди ўққа нишон бўлди. У йиқилди, яна турди. Олга югурди. 15-20 одим нарида қулоқни қоматга келтириб бомба портлади. Чанг тўзон оралаб илдам чопаётган йигит нимагадир қаттиқ қоқилиб йиқилди. Эмаклаб орқага қайтди. У ўз дустининг жасадига қоқилиб кетган эди. Қучқор атрофга боқди. Шу ўртадаги барча жонсиз мурдалар унинг дустлари, биродарлари эдилар. У ҳунграб - ҳунграб йиглади. Қон оқаётган қулининг жароҳати ҳам унут бўлган, тинмай йигларди.

Шунда йигитнинг миясига бир фикр келди: Худо асраб урушдан соғ - омон қайтсам, қолган умримни ўзим билан бирга жанг қилган ана шу дустларим учун яшайман. Боғча, мактаб, масжид қураман. Элимни шод қиламан. Марҳум биродарларим хотирасига ёдгорлик ўрнатаман...

Йигитни Худо асради (Балки у дилига пок ниятларни жойлагани учундир?).

ЮРАКДА АРМОНГА ЎРИН ЙЎҚ

Қучқор Жуманиёзов урушдан қайтгач, яна мактабда ўз фаолиятини давом эттира бошлади. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Хоразм ва Самарқанд Давлат университетларида сиртдан ўқиди. Директор бўлди. Туман халқ таълими бўлимида назоратчи бўлиб ишлади. Энг муҳими, Қучқор ота урушнинг ўша машъум кунларида дилига туккан ниятларини жон-жаҳди билан амалга оширишга киришди. У киши 55 йиллик директорлик фаолиятида учта мактаб қурилишида бош- қош бўлди.

Қучқор ота ўз ниятларига етди. Сўнги —- 520 ўринли икки қаватли мактаб биносини ўша давр «тўра»лари билан олиша - олиша қуриб битказди. Уруш қурбонлари шарафига мактаб ҳовлисида ёдгорлик ўрнатди. Ўнлаб ҳамқишлоқлари номини ёдгорлик пойидаги мармар лавҳга ўйдириб ёздирди. Мактабга яқин жойда икки қаватли 140 ўринли боғча қурилишида фаол бўлди.

Фидойи муаллим ўзининг шахсий маблағидан Қучқор ота масжидини тиклади. Қишлоғидаги Шайх Мухтор вали қабристони бўйидаги бу муборак қадамжо атрофига ҳовуз қаздирди, ёнларига гул ўтказди. Ёшуллининг дилида армони қолмади.

305 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Қучқор ота Жуманиёзовлар оиласини воҳада билмайдиган ва унга ҳавас қилмайдиганлар топилмаса керак. Қучқор ота 9 ўғил - қизнинг отаси, 60 дан зиёд невара-ю чевараларнинг севимли бобожонидирлар.

Отанинг фарзанд ва нevараларини аксарияти у кишига ҳавас қилиб ўқитувчилик касбига меҳр қўйган. Ушбу сулоланинг элга устозлик фаолиятларини қўшиб ҳисобласак, қуйидаги натижа келиб чиқади:

1. Қучқор ота Жуманиёзов (сулола сардори) - 60 йил:
2. Одилбек (ўғиллари) - 35 йил:
3. Саҳамжон Маткаримова (келинлари) - 30 йил:
4. Улуғбек (ўғиллари) - 28 йил
5. Шуҳрат (ўғиллари) - 26 йил:
6. Нодира (қизлари) - 22 йил:
7. Манзура (қизлари) - 20 йил
8. Ўғилжон Оташова (келинлари) - 26 йил:
9. Қудрат (невaралари) - 5 йил
10. Гулбаҳор Ортиқова (келинлари) - 24 йил:
11. Нурхон (невaралари) - 4 йил
12. Феруза (невaралари) - 5 йил
13. Индира (невaралари) - 12 йил
14. Муҳайё(невaралари) - 8 йил

Лира ва Донагуллар эса Урганч Давлат Университети математика факультети талабалари. (Отахон бу рўйхатга қамтарлик қилиб ўнлаб қуёвларию, амаки—ҳолаларни киритмай)

Қучқор отадан таҳсил олганлар орасида муаллимдан тортиб фан докторигача, врачдан тортиб журналистгача топилади.

ҚЎЧҚОР ОТАНИНГ ИБРАТИ

Устоз ҳамиша минг-минглаб шогирдлари эъзозида.

ЭНГ КЕКСА ВА ЭНГ ҒАЙРАТЛИ РАҲБАР

Қ.Жуманиёзов қарийб 80 ёшни қоралади. Айни кунда у киши халқ ичида Қучқор ота мактаби деб ном олган илм масканига директорлик қилади. Отахон бу ерда каттагина иссиқхона ташкил этган. Ундан қишин—ёзин сарҳил мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари аримайди. Отахон ўз ҳисобидан мактабга бундан уч—тўрт йил аввал ҳаҳя қилган бир бош қорамол ҳозирда тўрт бошга етди. Байрамларда ўқитувчиларга ана шу кичик ёрдамчи хўжалиқдан бепул гўшт тарқатилади. Кекса директорнинг ишбилармонлиги билан мактабда болалар ва ўқитувчилар учун бепул тушлик ташкил этилган. Мактаб бир неча йилдан буён ўз маблағи ҳисобига таъмирланади. Ҳисоб рақамида ҳам 300 мингга яқин пул жамғарилган.

Биз ушбу мактабда бўлганимизда директор ота ўзлари яратган 1,5 гектарлик боғларини кўздан кечираётган эканлар. Ишонсангиз, бу ерда йўқ мевалию манзарали дарахтнинг ўзи йўқ. Гўзал боғнинг осуда бир бурчагида халқ таълими вазири Ж.Йўлдошевнинг таклифлари билан 100 ўқувчига мўлжалланган ёзги оромгоҳ ташкил этишибди. Бу йил оромгоҳга теварақдаги 4 та мактабдан ўқувчилар қатнаб, таътилларини мароқли ўтказишибди. Балки айтарсиз, «Нега отахон уйида тинчгина ўтириб, қарилик гаштини сурмайди? Нима етмайди бу инсонга?» деб. Йўқ бунчалар тез хулоса чиқаришга шошилманг. Қучқор ота ўзини уйламайди. Юртни, халқни дейди. У ўзини истиқлолдан қарздордек ҳис этади. Ота ҳар тонг мустақиллигимиз шукронасини айтади. У: «Кўпроқ меҳнат қилай. Тириклигимда мендан нимадир яхшилик қолсин. Шу юрт ободлигига ўз ҳиссамни қўшай»,- дея ҳаётда умид билан ёниб яшайди.

ХОТИМА ЎРНИДА

Юз кўзидан нур ёғилиб турган Қучқор ота ҳаётлигидаёқ ҳалол меҳнатлари билан ўзига ҳайкал қўйди. Ҳа, у боғлари яратди. Яратган боғлари бугун авжи ҳосил бермоқда ва узоқ йиллар беражак. Зеро, ота парвариш этган ниҳоллар томиридан ҳалоллик, фидойилик, яхшилик ҳислари гупириб оқмоқда. Шу буюк саодатнинг ўзиёқ инсон номини мангуликка муҳрланиши учун кифоя қилади.

Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

Obuna-99

«МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Барча матбуот нашрлари сингари «Мулоқот» журнали жамоаси ҳам истиқлолни мустаҳкамлашдек масъуляятли вазифани собитқадамлик билан бажармоқда. Журналхонлар унинг ўтган йиллардаги сонларида Шарқнинг буюк фарзандлари — Амир Темур, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Ҳўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат ҳақида мақолалар ўқишди. Шунингдек, журнал юртдошларимизни муқаддас шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива тарихи билан таништирди. Ўтмишнинг энг ёрқин, миллатимизнинг энг шукуҳли онларини фахр билан ёдга олдик. Истиқлол ғояларини қалбларга жойлашда ҳам унинг хизматлари беқиёс даражада катта бўлаётир. Айниқса, журналда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланган мақоласи мухлислар эътиборини ўзига тортди. Шу мавзуни ривожлантириб янги йил сонларида «Тарихий хотира — миллатнинг илдизи», «Узликни англаш тарихдан бошланади», «Жамиятни маърифат қутқариб қолади», каби мақолаларни эълон қилишни режалаштирилган. Шунингдек, янги йилда «Миллий мафкура миллатни бирлаштиради», «Мафкура — инсон манфаатлари ифодачиси», «Мафкура ва инсонпарварлик», «Миллат ва мафкура», «Халқ мафкураси — енгилмас куч», «Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк» сингари мақолалар ҳам ҳавола этилади.

1999 йилда ҳам журнал ўз анъаналарига содиқ қолиб, «Муқаддас китоблар», «Табаррук шаҳарлар», «Маърифат булоқлари», «Шарқ алломалари», «Буюк мутафаккирлар» рукнида қизиқарли илмий ва бадиий асарларни ёритади. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, ўзига хос удумлари ҳақидаги мавзулар билан бирга умуминсоний қадриятлар ва ҳозирги даврнинг энг муҳим — дунёвий муаммолари хусусидаги мақолаларни ҳам мунтазам бериб боради. Чоп этилган мақолалар билан танишиб ҳаёт фалсафасининг янги ғояларидан огоҳ бўласиз, буюк келажак қуриш йўлида халқ хизматига камарбаста бўлаётган юртдошларимиз билан яқиндан танишасиз. Бўрибой Аҳмедов, Азиз Қаюмов, Ҳамид Зиёев, Омонулла Файзуллаев, Анвар Чориев, Малик Муродов сингари фидойи олимларнинг қизиқарли мақолаларини ўқийсиз.

Экологик тоза муҳит яратиш ва соғлом авлод келажаги учун қайғуриш, ҳуллас, юртимиз истиқболига оид турли мавзуларда мулоқотлар ўтказилади. Тадбиркор мулкдорлар, заҳматкаш пахтакорлар, чорвадору боғбонлар ҳақида ҳам мақолалар эълон қилинади. Сиз, азиз муштарийлар республикамиздаги ёш истеъдодли шоирлар ижодидан сара намуналар ҳам ўқиб борасиз.

Журнал ўз саҳифаларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган таълим ва тарбия соҳасидаги миллий дастур тадқиқотига кенг эътибор берган ҳолда илғор ўқитувчилар тажрибаси оммалашувига зарур имкониятлар яратади. Ҳеч шубҳасиз, янги йилда ҳам «Мулоқот» ҳар бир фуқаро учун энг яқин дуст, энг фойдали ҳамкор ва кўмакдош бўлиб қолади. У билим доирангизни, интеллектуал, маънавий камолотингизнинг ортишига, ақл-идрокингизни пешланишига ёрдам кўрсатади.

Қисқаси, у Сизнинг энг ишончли маслакдошингизга айланишини истасангиз, вақтни кечиктирмай «Мулоқот» журналига обуна бўлинг.

Нашр кўрсаткичлари: Якка обуначилар учун — 844; Ташкилотлар учун — 845.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

1998 yil – Oila yili

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

Оила йилида республикамиз бўйлаб турли хил оммавий тадбирлар, жумладан байрамлар, спорт мусобақалари, мушоиралар, баҳс-мунозаралар, бадиий кечалар ташкил этиляпти. Улар жамиятимизнинг кичик бўғини ҳисобланмиш оилаларда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, соф маънавий муҳитни, маърифат ва маданиятни шакллантириш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш каби мақсадларга бўйсундирилган. Яқинда ана шундай байрамона руҳдаги беллашувлардан бири – спортнинг бешта тури – шахмат, шашка, теннис, чим устида хоккей ва енгил атлетика бўйича Давлат муассасалари ходимларидан иборат оилавий жамоалар ўртасида тўрт босқичли республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилояти Бешариқ туманидан Эшматовлар оиласи муваффақиятли қатнашиб, спортнинг юқорида кўрсатилган турлари бўйича тўлиқ биринчиликни эгалладилар.

Спартакиаданинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Қизғин давом этган беллашувларда бешариқлик спортчиларнинг оилавий жамоаси шахмат мусобақаларида фахрли учинчи ўринни қўлга киритиб, ғолиблар шоҳсупасига чиқдилар.

Учинчи ўрин... кишининг эътиборини кам жалб этиши мумкин. Аммо республикамизда юз минглаб оилалар борлигини, мусобақаларда эса кўпроқ спорт мутахассисларидан иборат оилавий жамоалар қатнашганини ҳамда беллашувларнинг юқори савияда ўтганини ҳисобга олсак, мазкур кўрсаткичнинг ҳам чакки эмаслиги ойдинлашди.

Оила бошлиғи Неъматжон Эшматов туман мудофаа бўлимида бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилади, рафиқаси Кимёхон 1-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Уларнинг фарзанди Фаррухжон 2-мактабнинг 8-синфида ўқийди.

Эшматовларнинг спартакиадада фаол қатнашиб, ўзлари яшаётган маҳалла, туман ва вилоятга обрў олиб қайтишларига алоҳида сабаблар бор. Умуман олганда, уларнинг хонадони ҳақиқий ўзбекча -ҳўжалик катта, ҳовли кенг, кундалик юмушларнинг адоғи йўқ. Кимёхон ишдан келиб ҳамма ёқни саранжом-саришта қилади, эртанги дарсларга тайёргарлик кўради. Неъматжон эса ўғли билан молҳолларга, паррандаларга қарайди, ҳовлидаги каттакон боғда, томорқада қуймаланади. Бўш вақтларида улар биргалашиб албатта шахмат ўйнашади, китоб ўқийдилар, матбуотдан дунёвий воқеаларни кузатишади. Хуллас, ақл гимнастикаси билан шуғулланишади.

Шундан кўриниб турибдики, демак, қайсики хонадонда аҳиллик, фаоллик учун шароит яратилар экан, ўша оилага куни келиб омад ва бахт кулиб боқади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз



Куз хаёллари Р.Альбеков олган сурат

Sport maydonchasi

ҚОЙИЛ!

Германиядан хушхабар келди. Юртдошимиз, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян ўз унвонини сақлаб қолиш учун «жанг» ўтказиб, рақиби, италиялик Жорж Кампанелани 10 раундда техник нокаутга учратди. Бу ғалаба Артургa еттинчи (!) бор жаҳон чемпиони унвонини тақдим этди.

УМИД ВА ИШОНЧ УЙҒУНЛИГИДА

Испанияда шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. Унда 8 нафар ёш шатранж устаҳаримиз ғолиблик учун курашни бошлаб юборишди. Умидли спортчиларимизнинг муваффақиятига мухлису мутахассислар ишонч билдиришяпти.

ҒАЛАБАЛАР ЁДГА ТУШЯПТИ

ХШ Осиё ўйинларининг бошланишига ҳам тобора оз фурсат қолмоқда. Футболчиларимизнинг рақиблари ҳам, учрашув вақтлари ҳам маълум бўлди. Улар «G» гуруҳида 2 декабрда Қувайт ва 4 декабрда Монголия жамоалари билан беллашади. Йигитларимизнинг 4 йил бурунги муваффақияти ёдимизда, ўшандаги зафарли юриш такрорланармикан?!

АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ

13-14 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида «Курош», «Тортишмачоқ», «Бўрон», «Минди», «Турон» якка курраши... каби «Алпомиш ўйинлари» биринчи республика фестивали бўлиб ўтади.

Баҳодирлик, мардликни тарбиялловчи ушбу миллий халқ ўйинларига катта қизиқиш билан тайёргарлик кўриляпти.

АНА, СИЗГА ТОМОША!

Профессионал бокс бўйича мутлақ оғир вазнда WBA ва IBE таснифлари бўйича жаҳон чемпиони Эвандер Холифилд WBC таснифидаги жаҳон чемпиони англиялик Леннокс Луис билан рингга чиқиш учун шартнома тузди. Мутлақ чемпионни аниқловчи ушбу жанг келгуси йилнинг февраль ёки март ойида бўлиб ўтади.

Xullas...

ҚЎЙЛАР ЧИКОРА

Семизликни қуй кўтаради. Аммо бошга тушганини кўз кўради деганларидек, бу борада қўйларни ҳам доғда қолдиргувчи семиз одамлар ер юзида анча. Япониялик Ясокихи Конисикининг оғирлиги 256 кило. Унинг улчамидаги кийим-кечаклар савдода йўқ, буюртма бериб тиктиради.

Миллий кураш билан шуғулланувчи бу одам ЮНЕСКО томонидан унга берилган юксак мукофотни олиш учун Прагага келди. Қизиғи шундаки, Ясокихига фақат ўзи ўтиришига мўлжалланган махсус стул ясалган эди...

СОВРИН ПИШЛОҚДА КЕТДИ

Дазмол, макарон, болалар пайпоғи, насос, чит, пишлоқ ва ҳоказо. Рўйхатни юзтагача етказиш ва ундан ҳам ошириш мумкин. «Россиянинг юз хил сифатли маҳсулоти» деб номланган ушбу танлов мамлакат ҳудудидаги ишлаб чиқариш муассасаларининг маҳсулотлари намойишига бағишланди. Бу танловда Вологда сариёғи, Иваново читлари, Астрахан икраси, Ярославл шиналари, Адигей пишлоғи ва шу каби майда-чуйдалар намойиш этилди.

Совриндорлар орасида «Адигейск» сут комбинатида ишлаб чиқарилган пишлоқ энг сифатли мол дея баҳоланди. Комбинат директори Юрий Чундешконинг эътирофича оғзи қулоғида. Ахир, бундай омад ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

«КАРПУНКА» БЎЛСА, ЧАНГАЛДА ШЎРВА

Коми—Пермяцк автоном округининг Архангельск қишлоғидаги мактаб ўқувчиларига «карпунка» деб аталган валюта жорий қилинган. Қишлоқнинг илгариги номи Карпово шарафига валюта шундай номланди.

«Карпунка» мактаб тажриба участкасида, мебель тузатишда, ҳовли тозалашда ва ниҳоят «аъло», «яхши» баҳолар олишда ўзини кўрсатганларга директор имзоси билан берилади. Валюта олганлар компьютерда ўйнаш, кинога тушиш ҳуқуқига эга.

Директор Екатерина Савельеванинг таъкидлашича, «карпунка» 8 йилдан бери амалда. Ва яна шуниси равшанки, мактаб валютаси ўқувчиларни ҳар жиҳатдан фаоллаштиради.

ana shunaqa gaplar...

Shunaqasi ham bo'ladi

КУЛГИ ДАРАХТИ

Арабистон ярим оролининг шимолида «кулги дарахти» деб ном олган ўсимликни учратиш мумкин. Унинг бўйи паст, «турқи» кўримсизу лекин ловиядек келадиган мевасининг қизиқ хусусияти бор.

Агар унинг қуруқ зарчалари бурунга киргудек бўлса, киши соатлаб кулади.

АКСИРУВЧИЛАР КЛУБИ

Римда чиндан ҳам аксирувчилар клуби бор. Кимдан-ким махсус аксиртирадиган бирон модда ҳидламай ёки бошқа техник воситаларсиз устма-уст йигирма марта аксирса, у тўғридан-тўғри шу клуб аъзоси бўлади.

Клуб президентининг айтишича, аксиришнинг саломатлик учун, шубҳасиз, катта аҳамияти бор. Президентнинг отаси 102 йил умр кўрган. Аксиришда унинг олдига тушадиган бўлмаган.

ҚАБРИСТОНДА «ТИРИЛГАН» БОЛА

Италиялик бир ёшли Флоске исмли бола зотилжам билан касалланиб, оғир аҳволда касалхонага жўнатилган. Орадан икки кун ўтгач, шифохонадан врачлар боланинг отасига хабар қилишиб, фарзанди вафот этганлигини билдиришади.

Бола жасади солинган тобутни қабрга тушириш олдидан боланинг холаси тобутга яқинлашиб, ундаги гулларни тўғрилаб қўймоқчи бўлди. Шунда у ногоҳон... тобутдан боланинг йиғлаган товушини эшитди.

Ота саросимага тушмай болани даст кўтариб, амбулатория томон югура кетди. Бу ерда врачлар бола юрагини массаж қилишди. Натижада у клиник ўлим ҳолатидан халос бўлди. Бола соғайиб кетди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

(Ҳажвия)

Менинг дадам илгари,
Министрдай юрарди.
Ишдан келиб, газет ўқиб,
Телевизор кўрарди.

...Энди эса тадбир излар,
Тинмайди қўл-оёғи.
Зукко экан, кенг очилди,
Истеъдоднинг булоғи.

Этикдўзлик жўн иш экан,
Туфли ямар бежирим,
Видеобар очдию
Кечаси ҳам йўқ тиним.

Толчивиқни саралаб,
Тўқийди чўлпи, сават.
Чегалайди чиннини
Соч олар навбат-навбат.

Туйнук очдик қўшниларга,
Ҳовлининг тўрт томонидан
Сақич, писта... сотамиз
Тамакию «Хон»идан.

Ҳар ойда бир борадi
Онам Абу-Дабига.
Дадам алла айтади,
Эмизикли Набига.

Мол туёғи кўғайди
Қўй, эчки, оту сигир.
Ўргандик чўпонликни
Мол боқамиз ойда бир.

Саратоннинг иссиғида,
Ўт ўрар ғарам-ғарам.
Сўли қочди этининг,
Тиришди тарам-тарам.

Томорқага қовоқ экди,
Ҳосил бўлди бир «Камаз».
Пуллаб келди «Чорсу»да
Энди олмоқчи Дамас.

Баён қилдим дадамнинг
Ишининг ўндан бирин
Ҳали унинг кўп ҳунари
Очмайман қолган сирин.

Шамсиддин ФАРМОНОВ,
Ш.Рашидов тумани Ойбек номидаги мактаб ўқитувчиси

Voqea

ТЎҒНОҒИЧЛИ ҚИЗ

Ҳалқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ажойиб бир гапи бор. Нақадар тўғри топиб айтилган фикр! Чунки, дунёга келган полапонлар ҳам, энг аввало ота-онасининг тарбиясида, кўмагида ҳаётни танийди, оқу қорани ажратади. Лекин инсон-чи?

Тасаввур қилинг, ҳар бир одам ўйда кўрганини қилаверса, охири нима бўлади? Ўша кўрганларимиз эзгулик йўлига бўлса-ку, майли... Яна биз, ўша қуш деганларидан, ҳеч бўлмаганда ақл-фаросатимиз билан фарқланиб турсак...

Яқинда йўлим тушиб Фарғонага бордим. Қўқоннинг машҳур улгуржи бозорини томоша қилиб юриб, бутун расталарни оралаб, баланд овозда шанғиллаганча кимлар биландир тортишиб, баҳслашиб, астойдил бўралаб сўкишаётган аёлга беихтиёр кўзим тушиб қолди. Афтидан у савдо қилиш илинжида жой талашарди. Ё тавба! Важоҳатидан ер титрайди-я!.. Мен ўша аёлга бирпас синчиклаб тикилиб туриб, очиғи, кўзларимга ишонмадим. Ахир... Бу Анор-ку!.. Ҳа, ҳа, худди ўзгинаси... Демак, барибир, ҳам бозорчи бўлиб кетибди-да! Оббо Анор тушмагур-ей!..

Мен ўша лаҳзаларда Анорнинг хатти-ҳаракатини, «бўшаб қолган оғзи»ни кузатиб туриб, тўғриси унча ажабланмадим. Аксинча, яна ўтмиш хотиралари оғушига кўмилдим-қолдим...

Мактабга ҳали бориб-бормай, кўча чангитиб юрган пайтларимизда, биз болалар билан турли-туман ўйинларни ўзимизча ўйлаб топардик. Айниқса, «Даста», «Чиллак», «Виз-виз», «Картошка», «Ланка» жон-дилимиз эди.

Кунлардан бир кун, ўйиндан сўнг, одатдагидек 2-3 бола тўпланиб қолиб, қишлоқ марказига йўл олдик. Мачитга яқинлашганимизда, кутилмаганда нотабиий манзарага дуч келдик. Шундоққина йўл четида, чамаси 10-15 нафар болалар айлана ҳосил қилиб ўтиришганича, гоҳ бирдан чапак чалиб юборишар, гоҳида «Э-э», дейишиб нимадандир ҳафсалалари пир бўлгандек қўл силтаб қўйишарди. Кўриниб турибдики, бу ерда қандайдир қизиқ ўйин кетаяпти. Биз ҳам қизиқишимиз ортиб уларга яқин бордик. Во ажабо!.. Янги ўйин ўйлаб топишибди шекилли. Ана, ўртага Анор ўтириб олибди. Ёнида тахминан юз донача тўғноғич. У болалар билан навбатма-навбат тўғноғич ўйнар, ҳаммани бехато ютарди. Ўйинга шунчалик берилиб кетган эдики, терлаб буйинларигача қора чангга ботиб кетганини ҳам пайқамасди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўйнаётган болаларнинг ҳеч қайсисида тўғноғич қолмади. Анор ҳаммани ютиб бўлдию тўплаган «бойлик»ларини шошапиша йиғиштирди-да, орқа-кетига қарамай нариги маҳаллага чопиб кетди.

Хуллас, ўша кундан эътиборан бу ўйин, қолаверса, Анорнинг таърифи ҳамма қишлоқ болаларига тарқалди. Қайси кўчага борманг, болалар тўп-тўп бўлиб олишиб, тўғноғич ўйинини қизитишар, кўпроқ бола тўпланган ерда эса, шубҳасиз, Анор бўларди.Чунки у келган жойда «катта ўйин» бўларди.

Орадан йиллар ўтди. Биз 6-синфга ўтган пайтимизда баъзи болалар, ўзлари кўпроқ ёқтирган бошқа машғулотларга қизиқиб кетишди. Шу жумладан каминанинг ўзи ҳам қаёқдаги «майда-чуйда» ўйинларни йиғиштириб, негадир ҳар куни қўлимга қоғоз-қалам олганча, ариқ бўйларига чиқиб кетадиган, ғўё «ҳақиқий,' жиддий» ижод билан шуғулланадиган одат чиқардим. Анор эса, то 8-синфни тугатиб, сал улғайганга мойил даври келмагунча гоҳ тўғноғич, кейинроқ тугма, яна ҳам кейинроқ танга ўйинларини ташкил қилиб, ҳаммани ютаверди...

Ачинарли жиҳати шундаки, у астойдил фойда топишга ёшлигиданоқ муккасидан кетди. Йўқ, йўқ. Бирданига бунақа хулоса чиқарсак, нотўғри бўлар-ов! Негаки, биргина Анор эмасди-ку, тўғноғич ишқибози! Фақат унинг хатоси шундан иборат бўлибдики, ўзидаги мавжуд қобилият, истеъдодни бошқалар учун ҳам нафи тегиши мумкин бўлган тарафга бурмабди ёхуд бунинг уддасидан чиқа билмабди...

Албатта, бозор тўла аёл, бозорчи. Ҳамма ҳам тирикчилик илинжида елиб-югуради. Бироқ, уларнинг кўпчилиги Анорга ёки у сингариларга ўхшаб оғзидан боди кириб, шоди чиқаётгани йўқ. Балки, ўша ўзини ҳамиша бирдек маданиятли, сипо, хуш муомалада тутиб тура оладиган аёлларимиз ҳар ҳолда озми-кўпми маълумот кўргани, оила тарбиясини олгани учун ҳам шундайдир?..

Анор эса, эсимда, 8-синфни ҳам зўрға тугатган, қолаверса, ўшанда ҳам ўзи «севган» машғулотдан бўшамасди.

Хўш, бунга ким айбдор? Анорнинг ўзгинасими? Ахир, у бола эди-ку! Ўз боласини доимо назоратда ушлаб туриш, тергаш, унга билмаганини ўргатиш, хуллас, тўғри тарбия бериш ота-онанинг вазифаси эмасмиди? Албатта, шундай. Анорнинг ота-онаси агар фарзанди учун заррача жон куйдирганида, келажаги ҳақида, унинг қизлик ор-номуси, иффати, ҳаёси ҳақида ўйлаб кўрганида, ўша болалик пайтидаёқ эртадан кечгача у саёқланиб юрмаган, аксинча, муниса қизларга хос машғулотларга берилган бўларди. Қолаверса, тўлиқ маълумот ҳам олиб улгурарди. Ахир, бизнинг ота-оналаримиз ҳам гарчи ўғил болалар бўлсак-да, барибир, ҳатто кўчадаги ўйнайдиган вақтимизгача белгилаб қўйишарди-ку!..

Тўғри, у ҳозир бозорчи экан. Балки шу ерда юриб бола-чақасини ҳеч нарсага зориқтирмаётгандир. Балки мўмин-қобил бир эркакнинг суянчиғидир. Аммо, ундаги ўткир жаг, ўта «суяксиз тил» бир кунда пайдо бўлиб қолмагандир, ахир!? Наҳотки, у оиласи даврасида ҳам ўзини шундай тутса? Наҳотки Анор ҳамманинг тўғноғичини ютиб олавераркан, бир кунмас бир кун, албатта бозорчи бўлиб, шунақа бешарм аёлга айланишни орзу қилган бўлса? Ахир, бу даҳшат-ку!..

Чуқур ўйга толдим. Ўйланишга ўйланиб қолдиму ота-оналаримнинг болалигимда тинимсиз тергайверишгани, баъзан калтаклар ҳам еб турганларим, қўлимга қоғоз-қалам олиб кўпинча ариқ бўйларига чиқиб кетиб қолаверганим, «жиддий ижод» билан тезроқ шуғуллана қолиш истаги мени ҳадеб қийнайвергани учун ҳам Яратганга яна бир бор беадад шукур қилдим.

Олимжон ҲАЙИТ

МАЙДОНДА ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР

Sport

Кўплаб ўқувчилар ва спорт ишқибозлари Самарқанд шаҳридаги «Динамо» ўйингоҳида 20 октябрдан 23 октябргача футбол мактаб-интернатлари ўртасида республика биринчилиги финал беллашувларини томоша қилишди.

Шу йилнинг баҳорида ўтказилган ҳудудий мусобақалар ғолиблари бўлган Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятлари футбол мактаб-интернатларининг 1984-85 йилда туғилган жамоалари ўртасидаги финал мусобақалари муросасиз кураш остида ўтди.

Республика биринчилигининг дастлабки учрашувида майдонга тушган Самарқанд—Янгиер мактаб-интернатлари ўртасидаги ҳаяжонли курашда ҳар икки команда аъзолари ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишди. Бунда самарқандликлар 4:3 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Майдон эгалари Бухоро командасини йирик ҳисобда (1:5) мағлуб этишди. Наманганликлар билан учрашувда эса 1:3 ҳисобида устун келишди ва 9 очко билан республика чемпиони бўлишди.

Финал мусобақаларида 6 очко тўплаган Наманган вилояти вакиллари иккинчи ва бухороликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа сўнгида энг яхши дарвозабон деб Сирдарё жамоасидан Эльнур Шафигулин, ҳимоячи деб наманганлик Алишер Ризаев, ярим ҳимоячи деб Соҳиб Исломов (Бухоро), ҳужумчи ва тўпурар деб самарқандлик Асқар Бекназаровлар тан олиндилар.

Республика мусобақаси ғолиблари, совриндорлари ва финал мусобақаси барча қатнашчиларига Халқ таълими вазирлиги, республика футбол федерацияси, Самарқанд вилояти футболни ривожлантириш жамғармасининг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ,
М.АҲМЕДОВ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қўқон Давлат педагогика институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Р.Шукуровга волидаи муҳтарамалари **Хосиятхон МУҲАМАДИЕВА** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази жамоаси етакчи ходим Шавкат Мирзаевга онаси **Малика МИРЗАЕВА** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0414. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.20. Г. 123456